БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 235 (4334)
15 ОКТЯБРЬ 1980 й. ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади. Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПССнинг XXVI съездини муносиб кутиб олайлик!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

МУНОСИБ ТУҲФА ТАЙЁРЛАЙМИЗ

Куни-кеча матбуотда эълон қилинган КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 63 йиллигига Чақириқлари билан атрофлича танишиб чиқдик. Ундаги: «Қурувчи ва монтажчилар! Ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларни ўз вақтида ишга туширингиз, капитал маблағларни берадиган самарадорлигини оширингиз! Замонавий техника асосида соз, тежамли қурингиз», деган жумлалар бевосита бизга қарата айтилганлигини ҳис этдик.

Инсоният тарихида янги давони бошлаб берган Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли совет кишиларининг турмуш фаровонлиги бекиёс юксалди. Бунга Коммунистик партиянинг доно сиёсати туфайли мамлакат халқ хўжалигининг барча соҳалари гуркираб ривожланиб бораётганлиги натижасида эришиляпти.

Беш йилликлар мобайнида қурувчиларнинг меҳнат шароити ҳам тубдан ўзгарди. Қурилишда техника асосий куч бўлиб қолди. Бу нарса ўз навбатида унумли меҳнат қилиш учун яхши шароит яратди.

Мен бошчилик қилаётган бригада «ДСК-71А-77» сериясидаги янги уйларнинг девор панелларини ишлаб чиқаради. Бригадамиз коллективи беш йилликнинг якунловчи йилида ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилиб, тобора унумли ва сифатли меҳнат қилишга муваффақ бўляпти.

Коллективимиз ўтган йилнинг охирида 54 минг кубометр темир-бетон буюмлари тайёрлаб, ўнинчи беш йиллик маррасидан ўтганди. Ҳозир биз йил охиригача 70 минг кубометрдан ортиқ маҳсулот беришни мўлжаллаяпмиз. Бу бизнинг Улуғ Октябрь байрамига ва партия XXVI съездига муносиб туҳфамиз бўлади.

И. ОРИПОВ.

1-уйсозлик комбинати бетончилар бригадаси бошлиғи, СССР Давлат мукофоти лауреати.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БИР КУНИ

• КПСС XXVI съезди шарафига

БУНЁДКОРЛАР СОВҒАСИ | Истеъмол буюмларига кенг йўл

• Мажбуриятлар изидан

ЯНГИ МОДЕЛДА

Тошкент 1-пойафзал фабрикасининг болалар оёқ кийими ишлаб чиқарадиган саккизинчи цехида янги моделдаги маҳсулот ишлаб чиқариш қизғин давом этмоқда. Цех коллективи ўтган ойда 120 минг жуфтдан ортиқ болалар пойафзалини савдо тармоқларига жўнатди. Октябрь ойида цех 140 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқариш мажбуриятини олган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, цех коллективи йил давомида 25 хил янги моделдаги болалар ёзги ва қишки ботинкаларини кенг миқёсда ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга аҳд қилган.

БУГУН

цехда ана шу янги моделдаги маҳсулотларнинг навбатдаги 19-хили ишлаб чиқарила бошланди.

— Йил охиригача, — дейди цех бошлиғи Ш. Шомаҳмудов,— цехимиз қолган олти хил моделдаги пойафзалларни ҳам ялпи равишда ишлаб чиқара бошлайди.

БИНОЛАР, БИНОЛАР...

«Главташкентстрой» 153-трестига қарашли 39-қурилиш бошқармасининг Г. Зайниддинов ва Р. Зиёев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари номини бошқармада чуқур ҳурмат билан тилга олишади. Ҳар бир бригадада 38 нафардан қурувчи бўлиб, улар Злобин методи асосида меҳнат қилмоқдалар. Яқиндагина мазкур бригадалар Халқлар дўстлиги янги проспектида 64 квартирали беш қаватдан иборат турар жой биносини фойдаланишга тахт қилиб қўйган эдилар.

БУГУН

ана шу бригадалар шаҳримизнинг Абдуллаев кўчасида иккита 37 хонадонга мўлжалланган 4 қаватли истиқомат масканларининг деворлари қурилишини бошлаб юбордилар. Иккала бригада ҳам ўнинчи беш йиллик планини 7 ноябргача бажариш учун курашмоқда.

* * *

Янги «Қўйлиқ—5» микрорайони қурилишида «Главташкентстрой» 1-уйсозлик комбинатига қарашли 2-бошқармаси коллективлари жонбозлик кўрсатмоқдалар.

БУГУН

янги массивда Закусклов ва Н. Ванин бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари иккита беш қаватли ва тўрт қаватли турар жой бинолари конструкцияларини монтажини тугатдилар. Айни пайтда бу биноларда мазкур комбинатнинг пардозлаш бригадалари қизғин иш олиб бормоқдалар.

* * *

БУГУН

«Главташкентстрой» 159-трестига қарашли 22-бошқарманинг Янис Казаниц бошлиқ комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси Гоголь кўчасидаги 4 қаватли 40 оилага мўлжалланган турар жой биносининг умумий қурилишини тугатдилар ва пардозлаш бригадаларига топширдилар.

Диққат, янгилик!

ФАБРИКАДА ТАЖРИБА БАЗАСИ

Паррандачиликда маҳсулдорликни оширишнинг муҳим резерви сифатида катта аҳамият берилмоқда. Бу ишни илмий асосда ривожлантириш юзасидан республикамизда қатор тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Биохимия институти базасида махсус тармоқ лабораториясининг ташкил этилиши тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш имконини берди.

БУГУН

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми республика қишлоқ хўжалиги министрлиги фармони билан очилган лаборатория малакали мутахассис олимлар билан тўла таъминланди.

Бўстонлиқ паррандачилик фабрикаси тадқиқот ўчоғининг тажриба базасига айлантирилди.

Корхонада олиб борилган дастлабки кузатиш ишлари ижобий якунланди.

• Ҳорманг, студентлар!

ЯНА 150 ТОННА

Шаҳримизнинг барча олий ўқув юрти ва билим юртлари қатори 127-ҳунар-техника билим юрти студентлари ҳам республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳисса қўшиш учун пахтазорга чиқдилар. Шу кунларда билим юртининг 500 кишидан иборат серғайрат ёшлари Сирдарё областининг Рудский совхози далаларида фидокорона тер тўкмоқда.

БУГУН

ана шу билим юрти студентларининг бир ҳафта давомида терган пахтаси 6 тоннага етди.

— Ёшларимиз, — дейди йиғим-теримга бош-қош бўлиб турган билим юрти директори М. Юнусов,— мавсум охиригача яна 150 тоннадан зиёд «оқ олтин» териб берадилар.

• Маданият уйларида

САНЪАТКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

БУГУН

Луначарский номли маданият уйида Куйбишев районидаги корхоналар илғор ишчилари, меҳнат ветеранларининг санъаткорлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

«КПСС XXVI съезди шарафига фидокорона меҳнат қиламиз» шиори остида ўтган бу учрашувда ишчилар ўзларининг бўлажак режалари ҳақида гапириб бердилар. Маданият уйининг «Умид» вокал-чолғу ва «Гулшан» миллий чолғу ансамбллари ижросида янграган куй-қўшиқлар ҳозир бўлганларда яхши таассурот қолдирди.

ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИГА

Охунбобоев номидаги шаҳар маданият уйи коллективи концерт программаси билан бир неча марта пойтахт область пахтакорлари ҳузурига ташриф буюриб, ўз санъатини намойиш қилиб қайтди.

БУГУН

маданият уйи санъаткорларидан тузилган ҳашарчилар бригадаси пойтахт область Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхозига жўнаб кетди.

Ҳадемай маданият уйи санъат коллективининг 75 кишидан иборат яна бир ҳашарчилар бригадаси пахта далаларига жўнаб кетади.

Назира Сандумерова 32 йилдан буён Тошкентдаги асбобсозлик заводида деталчи бўлиб меҳнат қилиб келади. Ёшларнинг меҳрибон устози бўлган бу аёл ўз ҳалол меҳнати билан корхона коллективи ҳурматига сазовор бўлган. Ҳозир бу пешқадам ишчи ўн биринчи беш йиллик топшириқларини шараф билан адо этмоқда.

СУРАТДА: Н. Сандумерова. М. Нуриддинов фотоси.

АНЪАНАГА САДОҚАТ

Ҳар бир шонли санани меҳнат армуғони билан кутиб олиш машинасозларимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Шу кунларда КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш ниятида меҳнат қилаётган ташсельмашчилар ҳар бир ўн кунликни зарбдорона якунламоқдалар. Улар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича беш йиллик топшириқни муддатидан илгари адо этишди. Пландан ташқари 100 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Шунингдек, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш топшириғи ҳам ошириб адо этилди.

Куни-кеча машинасозларимиз социалистик мажбуриятларининг яна бир муҳим бандини адо этдилар. Республикамиз механизаторларига қўшимча 150 та пахта териш комбайнлари жўнатилди. Уларнинг кўпчилиги такомиллаштирилган, сўнгги конструкциядаги машиналардир.

Матбуотда эълон қилинган КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 63 йиллигига Чақириқлари биз машинасозларни ҳам янги марралар сари илҳомлантириб юборди. Жумладан, унда шундай дейилади: **«Саноат ходимлари Ватанимизнинг индустриал қудратини мустаҳкамлангиз. Ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ўзлаштирингиз ва улардан самарали фойдаланингиз, янги техникани, прогрессив технология ва илғор тажрибани жорий этингиз».**

Бу биз ишчиларнинг дилидаги сўзлардир. Уларни биз бажонидил қабул қиламиз ва амалга оширамиз. Биргина беш йилликнинг кейинги икки йили мобайнида корхонамизда бу борада талайгина ишлар қилинди. Бунинг натижаси маълум: янги такомиллаштирилган «зангори кема» — ХНП-1,8 ни ишлаб чиқаришга эришдик. Мен аминманки, коллективимиз барча совет кишилари қатори Улуғ Октябрнинг 63 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб оладилар. Чунки ҳар бир ишчи бу шонли сана шарафига шахсий мажбурият олиб ишламоқда. Бу унинг пухта заминидир.

М. МУИДИНОВ.

«Ташсельмаш» заводи пайвандчилар бригадаси бошлиғи, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

ОҚ ОЛТИН ХИРМОНИГА

14 октябрь эрталабгача республикамизда тайёрланган пахта 5 миллион 31 минг 468 тоннага етди. Бир кунда тайёрланган пахта 101.218 тоннани ташкил этди. Ўтган куни республикамизда йиллик планнинг 1,75 процент миқдорида пахта тайёрланди. Йиллик план 86,75 процент бажарилди.

Самарқанд, Сурхондарё, ҚҚАССР, Хоразм ва Жиззах областларининг пахтакорлари бир кунда 2 процентдан ошириб хом ашё тайёрлашга эришмоқдалар.

14 октябрга қадар йиллик пахта тайёрлаш планини Тошкент области 104,76, Бухоро области 103,36, Қашқадарё области 97,78, Жиззах области 92,84, Сурхондарё области 92,61, Сирдарё области 88,94, Самарқанд области 88,46, Фарғона области 81,21, Хоразм области 81,88, ҚҚАССР 79,42, Андижон области 76,58 ва Наманган области 69,62 процент бажардилар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ 14 октябрь куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Америка савдо-саноат доираларининг таниқли вакили, «Оксидентал петролеум» фабрикаси директорлари бошқармасининг раиси Арманд Хаммерни унинг илтимосига биноан Кремлда қабул қилди.

✦ 13 октябрь куни СССР Министрлар Советининг мажлиси бўлди. Бу мажлисда 1981 — 1985 йилларда СССРнинг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳаси кўриб чиқилди.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ»

Чилонзор районидаги 103-мактабда ўқувчиларнинг «Ёшлик» фотоклуби ташкил қилинганига энди бир йил бўлди.

БУГУН

шаҳримизнинг «Чайка» кинотеатрида ана шу клуб аъзолари яратган суратлар асосида «Болалар дунёси» фотокўргазмаси очилди.

Кўргазмага клуб аъзоларининг табиат, она-Ер, болаларнинг ички дунёси ҳақида ҳикоя қилувчи суратлари қўйилган.

✦ ФУТБОЛ ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ

Бугун СССР терма командаси футболчилари жаҳон чемпионати—навбатдаги саралаш матчида Исландия терма командаси билан куч синашадилар. Ана шу учрашув муносабати билан ҳосил бўлган чемпионатдаги қисқа танаффусдан фойдаланган Тошкентнинг «Пахтакор» командаси кеча ВСР терма командаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Уйин 5:2 ҳисобида майдон эгаларининг ғалабаси билан тугади.

БИЛДИРИШ

XVII чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг IV сессияси 1980 йил 16 октябрда соат 15.00 да Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг мажлислар зали (Ўзбекистон кўчаси, 9-уй)да очилади.

Депутатлар ўша жойнинг ўзида рўйхатга олинадилар.

Халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети.

ХАРИДОРЛАР МАМНУН БЎЛСИН

АҲОЛИГА САВДО ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ШАҲАР КЕНГАШИДАН

Кундалик турмушимизда маиший хизмат катта роль ўйнайди. Одамларнинг кайфияти, уларнинг меҳнат унумдорлиги кўп жиҳатдан ана шу соҳа фаолиятига боғлиқдир. КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича шаҳар кенгашида сўзга чиққан ўртоқларнинг нутқларида ана шу фикр алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари С. Г. Любишин ўз докладида шаҳар хўжалигининг ана шу соҳасида сўнгги йилларда сезиларли ўзгаришлар содир бўлганлигини қайд этди. Ҳозир Ўзбекистон пойтахтида 691 магазин ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида ишлаб турибди. Ана шу магазинлар орқали товарларнинг 66 проценти реализация қилинмоқда. Унинчи беш йиллик давомида ихтисослаштирилган 724 савдо корхонаси очилди. Савдонинг буюртмалар бўйича, бевосита уйга етказиб бериш каби формалари янада ривожланди.

Ишлаб чиқариш корхоналарига қарашли ошхоналарнинг 77 проценти ва ўқув муассасалари ошхоналарининг 90 процентида комплекс овқатларни реализация қилиш йўлга қўйилган, 24 та «Кулинария» магазини очилди. Уларнинг ҳаммаси тошкентликларга катта қулайликлар яратиш билан бирга, харидорларга хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш имконини берди.

Шу беш йилликда савдонинг моддий-техника базасини ривожлантиришга 40 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Жумладан, 40 минг тонна ҳажмли 2-мева-сабзавот комбинати, 31 минг тонна маҳсулот қадоқланадиган комбинат, мороженое фабрикаси каби йирик объектлар ишга туширилди. Абай ва Аҳмад Дониш кўчаларида, Чилонзорнинг 19-кварталида универсамлар ўз эшигини очди, Авиасозлар шаҳарчасида йирик жамоат савдо маркази, Ўзбекистон 50 йиллиги проспектида «Техника уйи» ва «Кийимлар» магазинлари, Горький проспектида «Болалар товарлари» магазинлари ишга тушди. Ана шу савдо корхоналарининг ҳаммаси замонавий ускуналар билан жиҳозланган, савдонинг прогрессив усуллари жорий этилган бўлиб, харидорлар учун барча қулайликлар яратилган.

Шаҳримиздаги бир қатор савдо ташкилотларининг фаолияти таҳсинга сазовор. «Таштекстильшвейторг», Марказий универмаги, Ленин район озиқ-овқат савдоси бўлими, «Хизмат-беминнат» фирмаси, Куйбишев ва Собир Раҳимов район ошхоналар тресті меҳнатчилари юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Мазкур коллективлар аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга, уни такомиллаштиришга интиладилар.

Шу билан бирга ҳали ҳам ташаббус кўрсатмай, эскичасига ишлаётган савдо корхоналари мавжудлиги афсуслантиради. Бу корхоналарда топширилган иш учун масъулият ҳисси юксак савияда эмас. Бунинг натижасида планлар бажарилмайди, савдо маданияти жуда ҳам паст. Бу гаплар биринчи навбатда чакана савдо обороти бўйича топшириқнинг бажарилишига халақит бераётган Октябрь ва Собир Раҳимов райпишчеторглари, «Олмос» бирлашмаси раҳбарларига тааллуқлидир. Бутун куч-ғайратни ҳар бир корхона, ҳар бир коллектив планни муваффақиятли бажаришга сафарбар этиши лозим.

Савдони ташкил этиш ҳам янада такомиллаштиришни тақозо этади. Айрим ходимларнинг совуққонлиги туфайли баъзи зарур товарларнинг савдода йўқлиги билан чиқишиб бўладими? Текширув ўтказилганда Собир Раҳимов райпишчеторгига қарашли 33 ва 49-магазинларда макарон, кир совун, қора чой, Киров райпишчеторгига қарашли 19-ва 25-магазинларда тирик балиқ йўқлиги аниқланди. Ваҳоланки, ана шу маҳсулотларни истаганча базалардан, бошқа ташкилотлардан келтириш мумкин эди. Октябрь, Ҳамза ва Акмал Икромов райпишчеторгларининг айрим магазинларида ҳам шундай аҳволни кузатиш мумкин.

Савдо қоидасининг бузилиш фактлари кишини ташвишлантиради. Шуни айтиб ўтиш кифояки, шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида савдо ходимлари устидан ўнлаб жиноий иш қўзғатилган, ишончни йўқотиб қўйганлиги учун 40 киши ишдан бўшатилган. Буниси ажабланарлики, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Бош савдо бошқармаси ва умумий овқатланиш бошқармаси раҳбарлари тартиб ўрнатиш учун кескин чораларни кўришмаяпти. Бундай аҳвол билан эндиликда чиқишиб бўлмайди. Тартиб бузишларнинг олдини олиш учун нимаики зарур бўлса, уни амалга ошириш лозим.

Музокараларда сўзга чиққан Ҳамза район ижроия комитетининг раиси Д. Ш. Шаҳбозов, Куйбишев район ошхоналар тресті партия ташкилотининг секретари З. А. Гришко, шаҳар халқ контроли комитетининг раиси Ф. Н. Назруллаев, «Малика» трикотаж бирлашмасининг директори М. К. Эргашев, «Хизмат-беминнат» 3-магазини мудирининг ўринбосари Т. Ф. Фролова, Марказий универмаг сотувчиси С. Адашева, Ўзбекистон ССР савдо министри М. Х. Ҳасанов аҳолига савдо хизмати кўрсатишни такомиллаштиришнинг кўпгина актуал масалалари устида тўхталдилар, савдо корхоналарининг ютуқлари, камчиликлари, фойдаланилмаётган резервлар ҳақида гапирдилар.

Докладларда ҳар бир коллективда юксак талабчанлик, тартиб бузилишларига қарши муросасизлик вазиятини вужудга келтириш лозимлиги таъкидланди. Бунда ветеранлар ва мураббийлар ўз билим ва тажрибалари билан ёрдам беришлари керак.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақа кенг қулоч ёйди. 1980 йил товар обороти планини 26 декабрга қадар, беш йиллик планни эса 25 ноябрга қадар бажаришга қарор қилган Марказий универмаг меҳнатчилари бу соҳада яхши ташаббус бошладилар. Бу қимматли ташаббусни пойтахтимиздаги кўпгина коллективлар қўллаб-қувватладилар.

Мамлакатимиз коммунистларининг бўлажак анжумани шарафига қабул қилинган мажбуриятларни сўзсиз бажариш — ҳар бир савдо ходимининг шарафли бурчи. Шу билан аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш вазифалари ҳам муваффақиятли ҳал этилади.

Кенгашда Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров сўзга чиқди.

А. ХАТАМОВ.

ВАГОНЛАР БИР МИНУТ ҲАМ БЕКОР ТУРМАСИН!

Бу қимматбаҳо ёғоч-ку

Сергели станциясига миллий чолғу асбоблари фабрикаси учун Германия Демократик Республикасидан бир вагон қимматбаҳо ёғоч келтирилди. Мана, 12 октябрдан бери юк тушириб олинмаяпти. Корхона раҳбарлари темир йўл вагонларини бўшатиш муддатларини мунтазам бузиб келяптилар. Акмал Икромов район штаби транспорт интизомини бузаётганларга чора кўрадиган пайт етди.

Собир Раҳимов станциясида эса 11 октябрдан буён 2-«Отделстрой» трестининг техника ишлаб чиқариш комплектлаштириш бошқармаси адресига келтирилган цемент ва алебастр тўла иккита вагон турибди. «Отделстрой» трестининг техника ишлаб чиқариш комплектлаштириш бошқармасига қарашли алебастр тўла вагон ҳам темир йўлни эгаллаб ётибди. Мана, бир неча кундирки, «Таштрансспецстрой» трестининг 71-қурилиш бошқармаси ярим вагон шпални тушириб олмаяпти.

Юк олувчилар ишчи кучи етишмаётганлигини важ қилиб кўрсатмоқдалар. Гап фақат бунда эмас, ахир!

Ҳамза райпишчеторги Салор станциясида беш вагондаги тарвузни уч кун мобайнида базўр тушириб олди. Дарвоқе, бу иш шаҳар штаби Ҳамза район ижроия комитетига мурожаат қилгандан кейин амалга оширилди.

Сергели станциясидаги «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси учун аталган профилит ортилган вагон яна ўз вақтида бўшатилмади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ БУХАРЕСТ. Бумбешти-Жиудаги механика заводида қуёш панелларини кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Дастлабки синовлар уларнинг юксак техникавий сифатларга эга эканлигини кўрсатди. Қуёш ҳаракатини ушлаб қолувчи бундай панеллардан сув иситиш, дон ва тамаки қуритишда фойдаланилади. Келгуси йил корхона турли типдаги 55 мингта панель тайёрлаб беради. Тимишоара, Констанца шаҳарлари ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан ана шундай қуёш панелларига буюртмалар олинди.

Руминияда энергиянинг янги турлари, жумладан қуёш, шамол энергиясидан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, қуёш энергиясидан фойдаланишнинг ўзи келгусида халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ҳар йили 10 миллион тонна шартли ёқилғи тежаб қолиш имконини беради.

✦ ЛИССАБОН. Португалия ташқи савдо баланси камомади шу йилнинг дастлабки олти ойида 98 миллиард эскудодан ошиб кетди. Бу ўтган йилнинг худди шу давридагига нисбатан қарийб 33 миллиард кўп демакдир.

Эълон қилинган расмий статистика маълумотларига кўра, январь ойининг бошидан июнь ойигача мамлакат импорти 212,6 миллиард эскудони, экспорт эса атиги 114,1 миллиард эскудони ташкил этди.

Португалиянинг АҚШ ва «Умумий бозор» мамлакатлари билан савдо-сотиғи соҳасида илгаригидек энг кўп миқдорда камомад юз бермоқда.

✦ КАТМАНДУ. **Непал давлат сектори мамлакат экономикасида тобора муҳим роль ўйнаб, муваффақиятли ривожланмоқда. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, ҳозирги вақтда давлат корхоналари ва корпорацияларининг сони 59 тага етди. Кейинги уч йил давомида Непал давлат секторидаги ишчи ва хизматчилар сони 42 процент ошди ва 33 минг кишини ташкил этди.**

✦ АККРА. Гана ҳукумати хўжаликнинг турли тармоқлари учун мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш ниятидадир, деди бу ерда маориф, маданият ва спорт министри К. Окран. У техника олий ўқув юртлари уюшмасининг Кумаси шаҳрида ўтказилаётган бешинчи конференциясида сўзга чиқди.

Шу мақсадда, деди министр, бундан буён олий ўқув юртларининг барча студентлари саноат корхоналарида практикадан ўтадилар, бу эса уларнинг янада малакали мутахассислар бўлиб етишига имкон беради.

(ТАСС).

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

ОПА-СИНГИЛ БЕЛЛАШГАНДА...

Бадиий буюмлар фабрикасининг Зайтуна Баратохунова бошчилигидаги каштачилар бригадаси ўнинчи беш йилликнинг бошида ташкил этилган бўлиб, қисқа вақт ичида ажойиб меҳнат ютуқларини қўлга киритишга эришди. Мавжуд резервлардан оқилона фойдаланиб меҳнат қилаётган каштачилар биринчилар қатори беш йиллик топшириқни уч ярим йилда бажариш ташаббусига қўшилганди. Улар ўз ваъдасининг устидан бар вақт чиқишди. Айни кунларда бригада 1981 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Бригадир Зайтуна Баратохунованинг ўзи эса кейинги беш йилликнинг иккинчи йили ҳисобига маҳсулот топширмоқда.

— Илғор иш усулларидан, вақтдан, хом ашё ва бошқа материал ресурсларидан оқилона фойдаланиш эвазига юқори кўрсаткичларга эришмоқдамиз,— дейди бригада етакчиси.

Шуниси қувончлики, унинг синглиси Зуҳра ҳам «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилиб, опаси билан беллашиб ишламоқда. Икки корхонанинг икки илғори бундай беллашиш асосида янги зафарларни қучмоқда....

Зайтуна эндигина янги бригада тузиб, унга мураббийлик қилаётган бир даврда синглиси ўрта мактабни тугатган эди. Кечагина мактаб партасида ўтириб билим олган Зуҳрани опасининг сермазмун гаплари, ишлаб чиқаришдаги ютуқлари, аҳил коллективининг муваффақиятлари, кичик бўлса ҳам янги бир коллективга етакчилик қилиши сеҳрлаб қўйди. Зуҳра ҳеч иккиланмай, «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга кирди.

3-цех тикувчилари Зуҳрани ўз бағрига олишди. Цехда асосан болалар кўйлаклари, панамалар, янги туғилган чақалоқлар учун кийим-кечаклар ҳамда қўғирчоқларга мос либослар тикилади. Шунинг учун ҳам чеварлар бу цехни ёшлар учун «пиллапоя» деб аташади.

Зуҳра цех бошлиғи Раҳима Иброҳимовадан аввал ҳар хил чок, сўнгра болалар кийим-кечаклари тикишни кунт билан ўрганди. Тез орада зийраклиги, тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан коллектив эътиборини ўзига қаратди. Тажрибали чеварлар билан бемалол беллашадиган бўлди. Мураббийнинг яхши сабоғини олган ёш тикувчи бир йилдан сўнг ўзи ҳам мураббийлик қилишга ўтди. Чеварлар ғайратли қизни ўзларига етакчи қилиб сайлашди. Унинг бригадасида 12 тикувчи фидокорона меҳнат қилади. Бирлашмага илк қадам қўйган ёшларга тикувчилик касбини ўргатди, ҳамда ўз тажрибасини тобора оширишга катта эътибор берди.

— Тез орада коллектив орасида обрў қозонишим, планларни ортиғи билан бажаришим мураббийимнинг ўгитлари, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишим туфайлидир, — дейди Зуҳра Баратохунова.

Ўтган йили уни смена мастери лавозимига ўтказишди. Эндигина йигирма беш ёшга қадам қўйган ёш тикувчи план-топшириқларини доимо ортиғи билан бажариб келмоқда. Цех бўйича биргина июль ойида пландан ташқари тўрт минг сўмлик кўйлаклар, болалар кийимлари ва шу каби бошқа тикув маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ўтган ойда коллектив давлат планини 112 процент қилиб бажарди.

Катта ютуқларни қўлга киритишда Дилфуза Қўчқорова, Марғуба Сиддиқова, Муҳайё Эшонбобоева каби чеварлар, Ҳадича Норматова ва Дилобар Зикриллаева, Маҳфуза Худойбердиева каби бригада етакчиларининг меҳнатлари таҳсинга сазовордир. Улар кунлик нормаларини 120— 140 фоиз бажаришиб, коллектив обрўсини баланд кўтаришмоқда.

Зуҳра ҳаётида бу йил катта воқеа содир бўлди. Талабчан, уддабурон, моҳир мураббийга коммунистлар ва комсомоллар катта ишонч билдиришиб, уни партия сафига қабул қилишди. Жамоат ишларида актив иштирок этиб келаётган ёш тикувчи цех комсомол ташкилотига ҳам бошчилик қилмоқда. Шунинг билан бирга у Акмал Икромов район комсомол комитети бюросининг ҳам аъзосидир.

Биз ундан ишлаб чиқариш, жамоат ишларини бажаришга қандай улгурасиз, деб савол берганимизда, у жилмайибгина шундай деди:

— Энг аввало, планли равишда иш тутиш керак. Иш вақтидан унумли фойдаланиш, ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш лозим. Агар бирор ишимни бугун бажара олмадимми, эртаси куни эрталабдан шу ишни бажариш ҳақида ўйлайман ва ҳал қилишга ҳаракат қиламан.

Ҳа, опа-сингиллар беллашиб ишлашмоқда. Уларнинг мақсадлари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олишдир. Бу эзгу мақсад йўлида опа-сингиллар шахсий мажбуриятлар олган ҳолда «рақобат»лашишяпти.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

▲ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

ОЗОДАЛИККА ЭЪТИБОР

Санитария ва ободончилик бўйича шаҳар штабининг навбатдаги йиғилишида шаҳримиздаги мактабларда озодагарчилик ва тартиб қандай йўлга қўйилганлиги масаласи кўрилди. Халқ маорифи Бош бошқармасининг бошлиғи Х. К. Йўлдошев ўз докладида бу борада охирги йилларда бир қанча ишлар амалга оширилганлигини қайд этди. Мактабларни капитал ремонтдан чиқариш ишлари план асосида олиб борилиб, марказий иссиқлик тармоқларига уланмоқда. Мактаб ўқувчилари шаҳримизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда актив иштирок этмоқдалар.

Лекин шунга қарамасдан баъзибир ўқув муассасаларида санитария норма ва қоидаларига яхши эътибор берилмаётир. Санитария-эпидемиология станцияси Акмал Икромов районидаги 193-мактабда текшириш ўтказганда бу ерда бир қанча камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Синфлар яхши тозаланмаган, мактаб ҳовлиси қурилиш чиқиндилари билан тўлиб ётибди. Штаб қарорига биноан мактаб директори Н. Н. Нуриддиновга виговор берилди.

Ана шундай ҳолни Ленин районидаги 68-мактабда, Собир Раҳимов районидаги 159- ва 1-мактаб-интернатда кўриш мумкин. Бу мактабларнинг директорлари ҳам ҳисобот беришди. Штаб йиғилиши шаҳримиз мактабларидаги камчиликларни уч кун ичида тугатишни тавсия этди.

Шунингдек, умумий овқатланиш корхоналари раҳбарларига мактаб ошхоналарида санитария қоидаларига қаттиқ риоя қилиш кераклиги уқтирилди.

●

Республикамиз қишлоқ механизаторлари учун турли хил подшипник маҳсулотларини қайта ишлаб бераётган Тошкент подшипниклар ремонти заводи меҳнат аҳли шу долзарб кунларда барча шарафли буюртмаларини ўз вақтида юқори сифат билан адо этмоқдалар.

СУРАТДА: корхона подшипникларни реставрация қилиш цехининг смена мастери Ғайрат Азимов ва корхона инженер-технологи Вера Зеленскаллар жўнатишга ҳозирланган маҳсулотни кўздан кечириш жараёнида.

М. Нуриддинов фотоси.

●

Ҳуқуқ билимлари—оммага

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети юстиция бўлими ҳуқуқ билимларини аҳоли кенг оммасига тарқатиш мақсадида шаҳар кинолаштириш бошқармаси ҳамда касаба союзлари область Совети билан ҳамкорликда ҳуқуқ билимлари ҳафталигини ўтказди.

Авиасозлар, тўқимачилар, тикувчилар, пойафзалчилар ва шаҳримиздаги бошқа маданият саройлари ҳамда кинотеатрларнинг залларида бир ҳафта давомида жамоатчилик юридик консультациялари ишлаб турди, уларда юридик адабиётлар кўргазмаси очилди. Томошалардан сўнг кино санъати ижодкор ходимлари, Советлар, касаба союзлар, комсомол ташкилотларининг ходимлари ва юристлар биргаликда фильмларни муҳокама этдилар.

● *Объектлар вақтида фойдаланишга топширилсин*

БОҒЧАЛАР ҚУРИЛИШИ НЕГА ОҚСАМОҚДА?

Бу йил объектларни ишга тушириш бўйича халқ хўжалик планига мувофиқ пойтахтимизда 5080 ўринли 19 та мактабгача тарбия болалар муассасалари қурилиб, фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Шулардан 3320 ўринли ўн бир боғча биринчи, иккинчи ва учинчи кварталларда ишга туширилиши лозимлигига қарамай, Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг трест ва бўлинмалари амалда 1880 ўринли 6 та боғчани қўлдан чиқардилар, холос. Кўзда тутилган 4,5 миллион сўмлик ўрнига 3,2 миллион сўмликка яқин қурилиш ишлари бажарилиб, бу соҳадаги саккиз ойлик план 69,8 процент бажарилди. Бу эса йилнинг қолган ойлари ичида ҳозир қурилаётган боғчаларнинг ҳаммаси тўла-тўкис ишга туширилиши янада мураккаблашганини кўрсатиб турибди.

Хўш, Бош бошқарманинг мактабгача тарбия болалар муассасалари қурилишига жалб этилган 3, 4, 6, 8, 12, 153, 159-трестлари нега объектларни ўз вақтида ишга тушириш бўйича зиммаларидаги масъулиятли вазифаларини сусткашлик билан бажаришяпти?

Бош бошқармага қарашли 12-қурилиш трестининг «Тошкент» деб номланган механизациялашган кўчма колоннаси «Олмазор» микрорайонида барпо этаётган 320 ўринли болалар боғчаси қурилиши шу йилнинг февраль ойида бошланган эди. Аммо ҳалигача ушбу объектда пардозчилар учун иш фронти яратиб берилгани йўқ. Ўтган давр мобайнида бу ерда бор-йўғи 128 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Аслида эса бу ерда механизациялашган колоннанинг 30 га яқин қурувчиси меҳнат қиляпти. Иш унуми бунчалик пастлиги, объект қурилиши графикдан орқада қолаётганлиги сабабини сўраганимизда, прораб Турсунбой Зокиров шундай жавоб берди:

— Қурилиш материаллари, биринчи навбатда темир-бетон устунлар, қаватларни ёпадиган плиталар, девор панелларининг ўз муддатидан кечикиб олиб келинаётганлиги, бунинг устига улар нокомплект ҳолда юборилаётганлиги қурувчиларимиз қўлини боғлаяпти...

Дарҳақиқат, Бош бошқармага қарашли 1, 8, 9-темир-бетон буюмлари заводлари «Олмазор» микрорайонида қурилаётган болалар боғчаси объектига белгиланган графикка мувофиқ август ойидаёқ барча қурилиш материалларини тўла комплект ҳолда етказиб бериши керак эди. Аммо таъминотчилар ҳалигача бу вазифани бажарганлари йўқ. Мабодо бу қурилиш материалларидан бирортаси етмаса ҳам қурилиш конвейерида узилиш бўлиши муқаррар. Негаки, том ёпадиган плита бўлмаганидан кейин юқори қаватлардаги ишни тўхтатишга тўғри келади. Панеллар бўлмаса оралиқ деворларни битказиб бўлмайди. Объект қурилишида ана шу ишлар амалга оширилмаганлиги учун ҳам 2-Пардозлаш трестига қарашли 55-қурилиш бошқармасининг сайқалчилари учун иш фронти яратиб берилмаяпти.

Объект қурилишига кўчма колоннанинг Т. Мўминов, Б. Алибоев, А. Кулагинлар бошлиқ учта бригадаси сафарбар этилган. Аммо бу коллективлар бажараётган ишдан на уларнинг ўзлари, на буюртмачи хурсанд. Иш унуми пастлиги учун бригада қурувчиларининг кўпчилигини бошқа объектларга бўлиб юборишга тўғри келяпти. Бунинг устига бу ерда «Строймеханизация» трестининг 54-механизация бошқармаси кўтарма кранлари, қурилиш техникалари ҳам турли сабабларга кўра ҳафталаб бекор туриб қоляпти. Натижада бинокорларнинг қимматли вақти бекор кетяпти. Ишга тушириладиган объектнинг фойдаланишга топшириш муддатлари ой сайин кечиктириляпти.

Худди шундай манзарани «Марказ— 6» кварталида қурилаётган 160 ўринли яна бир болалар боғчаси қурилишида ҳам учратдик. Бу ерда иш олиб бораётган 6-қурилиш трестига қарашли 70-бошқарманинг Н. Мина бошлиқ бригадаси қурувчилари ҳам юқорида номлари айтиб ўтилган заводлардан материал келишини мунтазирлик билан кутиб вақт ўтказишяпти. Аслида бу бригада коллективи шаҳримизнинг кўплаб зарбдор объектларида ишлаб, бой тажриба орттирган. Улар қурилиш ишларини яхши ташкил этиш ва вақтдан унумли фойдаланиш бўйича кўпгина прогрессив методларни самарали қўллай билишади. Аммо таъминотчилар ўз ваъдаларини бажармаганидан кейин бригада қурувчиларининг малакаси ҳам, иш тажрибаси ҳам маррага ўз пайтида етиш имконини бермаяпти.

Оддийгина қурилиш материаллари етишмаслигидан келиб чиқаётган бу камчилик шу объектнинг ўзи билан чекланиб қолмасдан, бу бригадаларнинг келгусида қурадиган бошқа объектларда ҳам ишнинг кечикиб бошланишига таъсир этади. Кўпинча бундай ҳолларда шошма-шошарликка ҳам йўл қўйилади. Бу эса ўз навбатида ишга туширилаётган объектларнинг сифатсиз ҳолда фойдаланишга топширилишига олиб келади.

«Марказ—6» кварталида Н. Мина бошлиқ бригада коллективи қураётган объектдаги ишга назар солганда худди ана шундай фикрга келиш мумкин. Негаки, бундан уч ой олдин иш бошлаган бригада бинокорлари ҳамон темир-бетон тўсинларини монтаж қилиш ишларини тугаллай олмасдан туришибди.

Бир объектдаги ишнинг кечикиб бажарилиши ёки унинг фойдаланишга топширилиш муддатлари орқага сурилиши бошқа объектлар қурилишига ҳам салбий таъсир этишини Юнусободнинг Шаҳристон кўчасида қурилаётган 320 ўринли болалар боғчаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Бош бошқармага қарашли 4-қурилиш трестининг 18-бошқармаси кўп вақтдан буён Юнусобод массивида болалар боғчаси қурилишини орқага суриб келяпти. Шунинг учун ҳам Шаҳристон кўчасидаги боғча қурилиши эндигина бошланди холос. Ҳозир бу ерда пойдевор қурилиши ишлари олиб борилаяпти.

Бу ерда ҳам қурувчилар бинокорлик материаллари етишмаслигини важ қилиб кўрсатишади. Аслида эса 4-қурилиш трести шу йилнинг учинчи ва тўртинчи кварталида иккита болалар боғчасини фойдаланишга топшириши лозим эди. Ҳалигача бирорта боғча ҳам пардозчиларга учун топширилгани йўқ. Саккиз ой мобайнида трест қурувчилари бу боғчалар қурилишида 355 минг сўмлик ўрнига 172,7 минг сўмлик қурилиш ишларини бажаришиб, бу соҳадаги планни 48,6 процент қилиб уддалашди, холос.

Бош бошқарманинг 3-қурилиш трестига қарашли 15-қурилиш бошқармаси Ҳамза районидаги Илтифот кўчасида,' шунингдек Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг турар жой массивида шу трестнинг 23-қурилиш бошқармаси бунёд этаётган болалар боғчалари қурилишида аҳвол бундан ҳам ёмон. 3-қурилиш трестида ўтган давр мобайнида болалар боғчалари қурилиши бўйича белгиланган ишларнинг 20,6 проценти амалга оширилган.

153-қурилиш трести Тошкент тўқимачилик комбинати учун Фрунзе районидаги Стахановчилар кўчасида 320 ўринли боғчани шу йилнинг учинчи кварталида қуриб фойдаланишга топшириши лозим эди. Амалда эса йилнинг тўртинчи квартали бошланган ҳозирги пайтда бу ерда эндигина девор панелларини монтаж қилишга киришилди. Ҳали эса объектда асосий ишларнинг 80 процентдан кўпроғи турибди. Шу трестга қарашли 3-қурилиш бошқармаси 2-Сергели микрорайонида 320 ўринли боғча қурилишини чўзиб юборганлиги учун учинчи кварталда объект фойдаланишга топширилмади. 1-Сергели микрорайонида қурилаётган 36-болалар боғчасида эса эндигина девор панеллари монтаж қилишга киришилди. Бу ерда «Строймеханизация» трестига қарашли 4-механизация бошқармасининг қурилиш техникаси ҳар куни атиги 4— 5 соатлаб иш бажариб, бекор туриб қоляпти.

159-қурилиш трести Киров районидаги В—5 микрорайонида, шунингдек, Куйбишев районида қураётган ҳар бири 320 ўринли болалар боғчалари қурилишида ҳам Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли саноат корхоналари бошқармасининг заводлари томонидан бинокорлик материаллари ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги объектлар қурилишини чўзиб юборяпти. Умуман айтганда, шаҳримиздаги барча боғчалар қурилишида девор панеллари, колонна ва ригеллар, темир-бетон устунлари етишмаслигидек умумий муаммо мавжуд. Бош бошқарманинг саноат корхоналари бошқармаси раҳбарлари эса бу бинокорлик материалларини тайёрлаш учун зарур темир бетон буюмлари етишмаслигини баҳона қилиб, қурилиш материаллари етказиб бериш графикларини қўпол равишда бузишяпти.

Халқ хўжалик планларида кузда тутилган объектларни ўз муддатида фойдаланишга топширилишини таъминлаш учун қурилишга алоқадор оулган барча ташкилотларнинг, чунончи пудратчи, ёрдамчи пудратчилар, таъминотчи ва буюртмачи ташкилотларнинг ҳамжиҳатлик билан, аниқ режа асосида ишлашлари тақозо этилади. Кўпинча шаҳримиздаги объектлар қурилишида ана шундай ҳамфикрлик, пухта ташкилотчилик ва ишни тўғри планлаштирмаслик натижасида катта муаммолар келиб чиқяпти.

Йилнинг қолган ойларида белгиланган объектларнинг ўз муддатида ишга туширилишини сўзсиз таъминлаш учун, ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаб, келгуси йили қуриладиган муҳим халқ хўжалик объектлари учун пухта тайёргарлик кўриш учун Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг барча ишлаб чиқариш бўлинмалари, пудратчи ва таъминотчи ташкилотлари мавжуд резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланишлари лозим. Бу эса объектларни ўз муддатида ишга туширишнинг ҳал қилувчи омилидир.

М. АБДУЛЛАЕВ.
«Тошкент оқшоми» мухбири.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Бухарестда халқаро ярмарка

БУХАРЕСТ. Руминия пойтахтида халқаро ярмарка очилди. Ярмарка «савдо-сотиқ — ҳамкорлик-тараққиёт» шиори остида ўтмоқда.

Ярмаркада 25 мамлакатдан, шу жумладан Совет Иттифоқидан келган 800 дан кўпроқ фирма қатнашмоқда. СССР павильонини томоша қилган киши металл қирқиш ускуналарининг, электрон-ҳисоблаш техникасининг намуналари билан, лаборатория ва саноат контрол-ҳисоблаш аппаратлари, навигация приборлари билан танишиши мумкин.

Фотосуратлар, диапозитивлар, радиопрограммалар, фильмлар совет халқининг фидокорона меҳнати тўғрисида, КПССнинг бўлажак XXVI съездига тайёргарлик ҳақида, ўнинчи беш йиллик плани топшириқлари муваффақиятли равишда бажарилаётгани тўғрисида, СССРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ишида қатнашаётгани, Совет — Руминия муносабатларининг ривожланиши ҳақида ҳикоя қилади.

Виставкани очиш маросимида РКП Бош секретари, РСР президенти Н. Чаушеску ҳозир бўлди. У совет павильонини кўздан кечириб, бу ерга қўйилган экспонатларга юксак баҳо берди.

ҒАЛАБАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ

КОБУЛ. Афғонистон меҳнаткашлари иқтисодий программани амалга ошириш, хавфсизлик, осойишталикни таъминлаш мақсадида халқ демократик партияси ва ҳукумат теварагига жипслашмоқдалар. Бахтар агентлигининг хабар беришича, Мозори Шарифдаги азотли ўғитлар заводининг ишчиларидан 150 дан кўпроқ киши мамлакатдаги ана шу энг йирик саноат корхонасини қўриқлаш юзасидан ўзининг кўнгиллиликларидан иборат отрядини тузди. Улар иш сменасидан кейин қўлларига қурол олиб, аксилинқилобчи агентларнинг заводда қўпорувчилик ҳаракатларини қилишга йўл қўймаслик учун соқчилик қилишга чиқадилар.

Демократик Афғонистоннинг турли вилоятларида аксилинқилобчи шайкаларни тугатиш юзасидан олиб борилаётган муваффақиятли операциялар давом этмоқда. Фарёб вилоятидаги Андхой уездида аҳолисини террор қилган, қотиллик, талончилик ва қўпорувчилик ишлари билан шуғулланган аксилинқилобчи бандитларнинг бир группаси тугатилди. Бу бандитлардан Америка ва Хитойда ишлаб чиқарилган қурол-яроғлар, ўқ-дори, чет элларда чоп этилган ва қўпорувчилик ишларига оид китоблар тортиб олинди.

Кобул радиосининг хабар беришича, Қундуз вилоятида ҳаракат қилган шайкалар бўлинмасининг икки бошлиғи қамоққа олинган.

СУВ ОСТИ ЭКСПЕРИМЕНТИ

СОФИЯ. Қора денгиз соҳилидаги Созопал шаҳри яқинида болгар-совет сув ости эксперименти ўтказилди. Экспериментдан мақсад 100 метр чуқурликда инсон иш қобилиятини текширишдан иборат.

Сув остидаги ярим соатлик иш программасига биноан сув ости тупроқ қатламидан намуна олинди, денгиз туби рельефи кузатилди. Нафас олинадиган янги хил аралашма синаб кўрилди.

ПРОГРАММАНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

МАПУТУ. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш Фрелимо партияси ва Мозамбик ҳукуматининг мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини оширишга қаратилган программасининг таркибий қисмидир. Фрелимо партияси Марказий Комитети Доимий Сиёсий комитетининг аъзоси, таъминот бўйича координацион кенгаш раиси Жасинту Велозу ана шу ҳақда гапирди.

У бу ерда министрлик ва идораларнинг импортни планлаштириш ва маҳсулотни тақсимлаш масалалари билан шуғулланувчи вакилларининг кенгашида нутқ сўзлаб, 1981 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари импорти планларини бажариш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

(ТАСС, 11 октябрь).

Гренада—Кариб денгизидаги мустақил давлатдир. Унинг халқи бир йил муқаддам янги ҳаётга қадам қўйди. Ўтган бир йил мамлакат тарихига «Озодлик йили» бўлиб кирди. Бу йилни улар «Маориф ва ишлаб чиқариш йили» деб атадилар. Сиёсий мустақилликка эришган мамлакат иқтисодий озодликка ҳам эришмоқда. Ҳозирги вақтда ишсизликни тугатишга қарши кураш олиб борилаяпти, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар ривожланяпти. Гренадаликлар янги ҳаққоний жамият қуришяпти.

СУРАТДА: Сент—Жоржес кўрфази. ТАСС фотохроникаси.

КОНФЕРЕНЦИЯ ТУГАДИ

БУДАПЕШТ. Бу ерда социалистик мамлакатлар метеорология хизматлари раҳбарларининг конференцияси ниҳоясига етди. Конференцияда Болгария, Венгрия, Вьетнам, ГДР, КХДР, Куба, Монголия, Польша, Совет Иттифоқи ва Чехословакия намояндалари иштирок этдилар. Конференцияда метеорология маълумотларини биргаликда ишлаш масалалари муҳокама қилинди, шунингдек яқин йиллардаги ҳамкорлик қилиш плани қабул қилинди.

ҲАҚИҚАТНИ ЯШИРИШМОҚДА

ВАШИНГТОН. Шу дамгача сири очилмаган «аср жинояти» — 1963 йилда Далласда президент Ж. Кеннедининг ўлдирилиши ҳамон американликларни ҳаяжонга солиб турибди. АҚШ миллий фанлар академияси шу ишни ўзи текшириб, қотиллик сири пардасини кўтаришга қарор берганини эълон қилди.

Маълумки, АҚШдаги нуфузли доиралар Далласдаги фожиа тўғрисидаги ҳақ гапни Америка жамоатчилигидан яшириш учун зўр бериб ҳаракат қилдилар. Ҳукумат тайинлаган Уоррен комиссияси қисқа текширишдан кейин ишни ёпди-ёпди қилиб юборишга ошиқди ва президент Ж. Кеннеди гўё «ёлғиз қотил»ли Харви Освальднинг қурбони бўлди, деб эълон қилди.

Бироқ, бу изоҳ Америка жамоатчилигини қаноатлантирмади, чунки у президентнинг ўлдирилиши кенг фитнанинг натижаси деб ҳақли равишда фараз қилди. АҚШ конгресси махсус комиссия тузишга мажбур бўлди. Бу комиссия Ж. Кеннеди иши билан икки йил шуғулланди. Унинг якунловчи докладида Уоррен комиссиясининг Ж. Кеннедига бир киши ўқ отганлиги тўғрисидаги асосий хулосаси шубҳа остига қўйилди.

Далласдаги жиноят тўғрисидаги ҳақиқат пинҳона тутилишидан манфаатдор бўлган АҚШнинг муайян доиралари комиссиянинг хулосаларига жонжаҳдлари билан қарши чиқдилар.

Аммо конгресс комиссиясининг янги маълумотлари, шунингдек Кеннедининг ўлими теварагидаги бошқа бир қанча ҳодисалар— ашёвий далилларнинг сирли равишда ғойиб бўлиши, Далласдаги фожиага бирон-бир тарзда алоқадор бўлган 20 га яқин киши кейинги йилларда шубҳали равишда ўлдирилганлиги, тирик қолган гувоҳларнинг шоҳидликлари бир-бирига тўғри келмаслиги жамоатчиликнинг Даллас фожиасини текширишни давом эттиришга эришиш йўлидаги қарорини мустаҳкамлади.

Дунё шаҳарлари ва пойтахтларида

БУДАПЕШТ. Дунайварош аҳолиси уз шаҳрининг 30 йиллини «гўзал, озода шаҳар учун» ҳаракатида кенг қатнашиш билан кутиб олмоқда. Дунайварош аҳолиси янги болалар боғчаси, мактаб, спорт майдончалари қурди, неча минг туп дарахт кўчатлари ўтказди. Венгрия шаҳарларининг кўпгина биноларида «жамоатчилик асосида қурилган» сўзлари ёзилган лавҳани тез-тез кўриш мумкин. Ўтган йилнинг ўзидагина шаҳарларни ободонлаштириш ҳаракати доирасида аҳоли уч миллиард форинтликдан зиёд ишлар бажарилди.

∴ ∴ ∴

БЕРЛИН. ГДРнинг жануби-ғарбидаги қадимий шаҳари бўлган Гота аҳолиси шу шаҳарнинг саккиз юз йиллик юбилейини нишонламоқда. Шаҳар номи немис ишчилар ҳаракатининг тарихи билан чамбарчас боғлангандир.

Гота—ГДРнинг энг чиройли шаҳарларидан бири. Гота музей шаҳардир. Бу ердаги деярли ҳар икки бинодан бири давлат томонидан муҳофаза қилинмоқда. Шаҳар ўсиб, гўзаллашиб бормоқда. Унинг ғарбий қисмида замонавий уй-жой бинолари, кинотеатрлар, универсал магазинлари бўлган янги уй-жой районининг корпуслари қад кўтарди. Ҳозир Готадаги ҳар уч кишидан бири янги квартирада яшамоқда.

∴ ∴ ∴

УЛАН-БАТОР. Монголия пойтахтининг янги районида Улан-Баторнинг бир ярим мингдан кўпроқ аҳолиси янги уйларга кўчиб кирди. Бу ерда 50 минг квадрат метр уй-жой майдони, бир қанча маиший хизмат кўрсатиш объектлари фойдаланиш учун топширилди.

Янги уй-жой комплексини қуриш монгол— совет дўстлиги ойлиги кунларида тугалланди. Республика меҳнаткашлари ва совет бинокорлари шу кунларда КПСС XXVI съездини ва МХРПнинг XVIII съездини меҳнатда янгидан-янги ютуқлар билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Давлат комиссияси янги уй-жой комплексини «аъло» баҳо билан қабул қилди.

∴ ∴ ∴

ДЕҲЛИ. Ҳиндистондаги Хариани штатининг ҳукумати аҳолининг социал-иқтисодий жиҳатдан энг қолоқ табақалари учун мўлжалланган 2.000 дан кўпроқ уй қуриб бериш лойиҳасини амалга оширишга киришди. Шу билан бирга, штат маъмурлари энг паст иш ҳақи олаётган оилалар учун уй-жой қуриш мақсадида енгил шартларда бир неча минг ер участкаси ажратди, шунингдек пул қарз берди.

Уй-жой танқислиги — мамлакатдаги энг ўткир проблемалардан биридир. Расмий маълумотларга қараганда, 17 миллиондан кўпроқ ҳинд оиласи бутунлай бошпанасиздир. Ҳозир мамлакатнинг ҳамма районларида уй-жой қурилиши кенг қулоч ёзди. Деҳқонлар учун арзонга тушадиган уйлар қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда.

∴ ∴ ∴

ЛОНДОН. Англия ҳукумати муниципал кенгашлар учун ажратиладиган маблағларни ноябрь ойида яна 200 миллион фунт стерлинг миқдорида камайтиражагини эълон қилди.

Консерваторлар бултур май ойида ҳокимият тепасига келганларидан кейин дарҳол социал эҳтиёжлар учун ажратиладиган маблағларни камайтиришга киришдилар. Ана шу чоралар натижасида уй-жой қурилишига жиддий зарар етказилди.

∴ ∴ ∴

ҚОҲИРА. Чанг-тўзон—Миср шаҳарларининг энг ёвуз душманларидан биридир. Бир сутканинг ўзида Миср пойтахти — Қоҳирада бир квадрат километр майдонга 20 тоннадан кўпроқ чанг қўнмоқда. Қоҳирани ҳамма томондан ўраб олган саҳродан эсадиган шамол — «хумсинлар» вақтида эса бу рақам кескин равишда кўпаяди.

Кўчаларга қўнадиган ва биноларнинг ичига, кўзга кирадиган ҳамда нафас олишни қийинлаштирадиган чанг ёқимсизгина бўлиб қолмай, шу билан бирга, одамларнинг саломатлиги учун ҳам ғоят хавфлидир.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ҲАШАРЧИ ПАХТАКОРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

ТЕРИНГИЗНИ ПАРВАРИШЛАНГ

«Оқ олтин» далаларида мўл-кўл ҳосилни йиғиб-териб олишда фидокорона меҳнат қилаётган азиз пахтакорлар, шаҳарлик ҳашарчилар санитария-гигиена қоидаларига амал қилишлари саломатликнинг биринчи гаровидир. Қуйидаги мақола тери ва соч парвариши ҳақида меҳнаткаш пахтакорларга қисқача маслаҳат тарзида берилди.

Тери инсон организмининг ташқи томондан қопланган мураккаб орган бўлиб, қон томирлар, нервлар, лимфа томирлари билан ички органлар ва марказий нерв системаси билан қаттиқ алоқадордир. Тери асосан уч қаватдан иборат бўлиб, ҳаёт учун муҳим бўлган бир қанча вазифаларни бажаради. Масалан, тери ташқаридаги механик ва бошқа таъсиротлардан, микроблардан ҳам сақлайди. Тери организмдаги иссиқликни ҳамма вақт баробар равишда нормал ҳолда бўлишини таъминлайди. Тери организмнинг ҳаётий фаолият процессида ҳосил бўладиган ҳар хил зарарли моддаларни ўзидан ташқарига чиқаради.

Тери нафас органи деб ҳам айтилади, чунки организмга керак бўлган кислороднинг бир қисми тери орқали ўтади ва ҳосил бўлган карбонат ангидриди ташқарига тери орқали чиқади. Тери яна сўриш хусусиятига эга. Бундан ташқари, терида бир қанча ҳар хил нервларнинг охири жойлашганлиги учун уни сезиш органи ҳам деб аталади.

Терининг ана шу сингари турли-туман вазифалари марказий нерв системасининг ва бошқа органларнинг фаолиятига бевосита боғлиқдир. Масалан, одам бирор сабаб билан ҳаяжонланса, бадан териси муздек бўлиб қолади ёки қизариб кетади. Тери қопламининг касалланиши ёки ҳар хил шикастларга учраши ўз навбатида организмнинг умумий ҳолатига таъсир қилади. Шундай экан, далаларда қуёшнинг нури, шамол, чанг-тўзон, қуриган ғўза чаноқлари терига бевосита таъсир қилади. Натижада терининг гигиена қоидаларига риоя қилинмаганида терида айрим касалликларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади.

Тери қуруқ ва мойли бўлади. Гигиена чоралари уларнинг шу хусусиятларига қараб белгиланади.

Юз териси. Нормал тери майин, етарли миқдорда мойли ва нам бўлади. Бундай терини илиқ сув билан ювиш фойдали. Ювиб бўлгандан сўнг тоза сочиқ билан артиб, тез сингадиган кремлардан («Восторг», «Атлас», «Огни Москвы») юпқа қилиб суриш керак. Кечқурун ётиш олдидан, ювингандан сўнг «Утро» ёки «Рассвет» кремларидан суриш мумкин. Нормал терини ювишда атир совунлардан «Десткое», «Косметическое», «Бархатное», «Русский лес», «Красная Москва»лар тавсия этилади.

Қуруқ тери юпқа ва ялтироқ бўлади. Бунга ташқи ҳароратнинг ўзгариши тез таъсир қилади. Ювингандан кейин тез қурийди, пўст ташлайди, ёрилади. Эрта ажин тушади. Юзни ювишда мойли совунлардан «Ланолиновое», «Косметическое»лар ишлатилади. Бундай терини озроқ бура ёки чой содаси қўшиб, қайнатиб совутилган сув билан ювиш мақсадга мувофиқдир. Юзни совунлаб тез-тез ювиш ёмон таъсир қилади. Ҳафтада бир марта совунлаб ювиш кифоя. Юзга сут ёки қатиқ сурилса, тери мулойимлашади ва қуриб ёрилмайди.

Мойли тери йилтироқ бўлади. Тез яллиғланиш касалликларига ва ҳуснбузарга мойил бўлади. Бундай терини парвариш қилиш учун эрталаб ювинишдан олдин кефир, қатиқ суртиш тавсия этилади. Ўн-ўн беш минутдан сўнг «Дегтярное» совунда иссиқ сув билан ювилади. Бундан ташқари, теридаги ёғни ювиб ташлаш учун бир литр сувга бир-бир ярим чой қошиқ бура ёки ичимлик содаси қўшилган сув билан ювилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Агар юзда қора мойли нуқталар бўлса, буларни йўқотиш учун юзни ҳафтада икки-уч марта номакоб билан артилса тери яхши тозаланади. Мойли терига махсус кремлар — «Лимонни», «Москва», «Идеал», «Любимий» тавсия этилади.

Қўл териси. Қўл тез кирланади. Пахтани қўлда терганда бармоқларда майда-майда тирналиш ва шилинишлар пайдо бўлади. Бу шикастланган терини тезлик билан «кўк дори», 2-3 процентли йод настойкаси сурилади. Бу дори-дармонлар ҳар бир дала шийпонидаги аптечкаларда бўлади. Қўл бармоқлари касалланишининг олдини олиш учун кечқурун даладан қайтгандан сўнг илиқ сув билан ювилади. Суюқ марганцовка эритмаси билан артилади. Сўнгра глицерин ва нашатир спирти аралашмасини яхшилаб суркаш керак. Эрталаб теримга чиқиш олдидан қўл терисини назорат қилиб, чақа жойларига лейкопластир ёпиштириб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Булардан ташқари, кечқурун қўл учун мўлжалланган кремдан суртилса тери юмшаб, ёрилишдан сақланади. Тирноқни ҳам тез-тез олиб, тоза тутиш зарур.

Оёқ териси гигиенаси. Оёқни тоза тутиш катта аҳамиятга эга. Оёқни ҳар куни ишдан кейин илиқ сув ва совун билан ювиш лозим. Оёқ кийими оёққа мос бўлиши зарур. Пойафзал катта ё кичик бўлса оёқда учрайдиган касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан, замбуруғ касали — эпидермофитиянинг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Бу касалликда оёқнинг тагида, бармоқлар орасида катталиги тариқдек, мошдек ва нўхатдек сувли пуфакчалар пайдо бўлади. Буннинг ичидаги суюқлик йиринглашиб, тери ялиғланади. Беморнинг иш қобилияти йўқолади. Бунда врачларга мурожаат қилиш лозим. Бу касалликнинг олдини олиш учун оёқнинг санитария-гигиена қоидасига риоя қилиш зарур. Ювиб туришдан ташқари, оёғи кўп терлайдиган кишилар оч гунафша рангли марганцовкадан ванна қилиши керак. Носки тез-тез алмаштириб турилади. Оддий ипдан тўқилган носки бўлса яна ҳам яхши. Бармоқ ораларига ва носки ичига дезинфекция қилувчи порошоклар, масалан, «Галманин», «Талк», «Форминдрон», «Уротропинлар» сепилса яхши бўлади.

Соч гигиенаси. Пахта далаларида бош кийим кийиб меҳнат қилиш яхши. Чунки қуёш, шамол ва бошқалар бошга таъсир қилади. Соч фақат ҳусн берибгина қолмай, балки одам учун катта физиологик аҳамиятга эга. Сочнинг ташқи кўриниши ва ўсиши киши организмининг умумий ҳолатига, эндокрин безларининг ишига, нерв системасига, моддалар алмашинувига ва ёшига боғлиқдир.

Нормал шароитда сочлар тўкилиб, ўрнига янгиси пайдо бўлади. Бир суткада 40-50 дона соч тўкилиши нормал физиологик ҳолатдир. Бошдаги бўлган мой безларининг хусусиятига қараб сочлар мойли ва қуруқ бўлади. Шу хусусиятга кўра бу сочларга алоҳида-алоҳида парвариш қилинади. Соғлом соч етарли даражада ёғли ва ёғсиз бўлмаслиги, айни пайтда етарли даражада бир оз ялтираб туриши лозим. Қуруқ соч ялтирамайди, тез тўкилади ва сунъий сочга ўхшайди. Бу вақтда бошқа майда-майда қазғоқлар пайдо бўлади. Бундай сочни «Детское», «Косметическое», «Спермацетое» совунлар билан ювиш тавсия этилади. Юмшоқ сув — қор, ёмғир суви билан ювиб турилса яхши бўлади. Дала шароитида қаттиқ сувни юмшатиш учун бир литр сувга 1 чой қошиғида бура ёки сода солиб, қайнатиб совутиб ювилса, ё тухум сариғи билан ювилса соч юмшоқлашиб ялтирайди ва қазғоқлар камаяди.

Сочни ҳафтада бир марта ювиш тавсия этилади. Ёғли соч худди мой суртилганга ўхшаб ялтирайди. Толалари бир-бирига ёпишиб қолади. Бош терисида эса ёғли кепаклар пайдо бўлади. Ёғли сочни ҳар қандай совун билан ювиш мумкин. Лекин таркибида ланолин бўлган шампунда ювилса яна яхши. Бу — сочни қуриб қолишдан сақлайди.

Соч ёғли бўлганда бошни тез-тез ювмаслик, икки-уч ҳафтада бир марта ювиш кифоя. Акс ҳолда ёғ безларининг ишлаши тезлашиб кетади. Ёғли сочни кефир, қатиқ билан ювиш тавсия этилади.

Биз юқорида қайд этган терининг санитария-гигиена қоидаларига риоя қилсангиз ҳеч қандай тери касали билан оғримайсиз.

Демак ҳар биримиз тозалик — соғлиқ гарови эканини унутмаслигимиз керак.

С. СОИПОВ,
Ўзбекистон тери ва венерик касалликлар илмий-текшириш институтининг илмий ходими, медицина фанлари кандидати, республикада хизмат кўрсатган врач.

РЕВМАТИЗМДА ЧИНИҚСА БЎЛАДИМИ

Ҳурматли редакция! Ревматизм касаллиги бор одам организмини чиниқтиришда нималарга эътибор бериши керак?

С. Каримжонов, ишчи.

* * *

Ревматизми бор кишига чиниқиш асло зиён қилмайди, аксинча жуда зарур. Ревматизм қайталаб туриш билан бошқа ҳасталиклардан ажралиб туради. Касаллик ҳар сафар қайта ҳуруж қилганда (рецидив) юракни қаттиқроқ зарарлайди, янгидан-янги нуқсонларни пайдо қилади.

Ҳасталик худди биринчи ҳуруждаги каби, кўпинча ўткир бурун-ҳалқум инфекциясини бошдан кечиргандан сўнг ёки тонзиллит, гайморит, фарингит каби сурункали касалликлар зўрайганда, биринчи навбатда жисмонан камқувват, чиниқмаган одамларда қайталайди. Шунинг учун врачлар амалда ревматизми бор барча беморларга (дори-дармонлар билан профилактика қилиш қаторида) чиниқиш тадбирлари комплекси билан шуғулланишни тавсия қилади.

Врач аввало тоза ҳавода кўп бўлишни, кун иссиқ пайтида очиқ ҳавода сайр қилиш ва ухлашни, сув муолажаларини (оёққа ванна қилиш, баданни ҳўл сочиқ билан ишқаб артиш, душда чўмилиш), эрталабки гимнастикани, махсус комплекслар бўйича даво физкультурасини тайинлайди. Шунингдек, зўриқмасдан сувда сузишни тайинлайди.

Ревматизми бор бемор чиниқишни аста-секин, эҳтиётлик билан, фақат врач маслаҳати ва назоратида ўтказиши керак.

ЧОРТОҚДА ЯНГИ ШИФОХОНА

«Чортоқ» санаторийсида янги бўлим очилди. Қаттиқ инфаркт миокард бўлган беморлар бу ерда даволанади. Бўлимда шинам ва ёруғ палаталар, интенсив терапия, шифобахш физкультура кабинетлари бор. Москва ва Ереваннинг ихтисослаштирилган клиникаларида стажировкадан ўтган тажрибали кардиолог И. Каримхонов бўлимга мудирлик қилмоқда.

АНДИЖОН МИНЕРАЛ СУВИ

«Андижаннефть» бошқармасининг пармаловчилари янги шифобахш булоқ топдилар. Улар медицина институти клиник касалхонасининг ҳовлисида пармалаган артезиан қудуқдан минерал тузга бой сув чиқа бошлади. Ўтказилган биохимик анализ бу сувнинг таркиби Чортоқ сувининкига ўхшашлигини кўрсатди. Бу ерда сув билан даволаш хонаси қурилмоқда. У йил охирига бориб бод, асаб ва тери касалликларига чалинган беморларни қабул қила бошлайди.

(ЎзТАГ).

Совет Хакассияси ҳадемай ўзининг 50 йиллик юбилейини нишонлайди. Совет ҳокимияти йилларида ўлканинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Фан, маданият соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Яқинда М. Ю. Лермонтов номли Хакассия область драма театри коллективи янги бинога кўчиб ўтди.

СУРАТДА: мазкур театрнинг бир группа санъаткорлари.

ТАСС фотохроникаси.

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

НАВРЎЗ

«МАШРАБ» РОМАНИДАН ПАРЧА

—Қарачи, ўғлим, биров кўринади.

Бобораҳим ўтирган еридан сакраб туриб, кападан чиқди. Билагига янги банорас тўн ташлаган Пирматни ва унинг ёнида атлас кўйлакда, гулдор ироқи дўппида, йилтироқ амиркон ковушда яшнаб келаётган Тўтихонни кўриб, ичида офтоб ёришгандай қувонди.

— Хуш кўрдик, азиз меҳмонлар! — Бобораҳим қулочини кенг ёзиб, дўстининг истиқболига интилди. — Тўлин ой ёнида саодат юлдузи бирла ташриф буюрибдир, тасанно!

Тошқинда ғарқ бўлаётганда хушидан айрилиб, дўстини танимаган Пирмат энди ўзига келгач, чеҳраси очилиб, у билан янгидан қучоқлашиб кўришаркан:

— Энди мен то умрим охирига қадар сизга бурчлиман, дўстим! —деб унинг юз-кўзларидан ўпди.

Бобораҳим меҳмонларни капага бошлаб кирди.

—Холажон!— Пирмат елкасидан қучиб кўришаётган Зубайданисога миннатдорчилик билдирди.—Дўстим бугун дарёда мени аниқ ўлимдан сақлади. Халоскоримга мана бу арзимас тўнни кийдиришни ота-онам менга буюрдилар.

Пирмат Бобораҳимга тўнни кийдириб, унинг белидан қучиб кўтармоқчи бўлди, лекин кучи келмади.

—Тошқин мадоримни кирқди, — деб икрор бўлди-да, Зубайданисо ёзган кўрпачага ўтириб, синглисини ҳам ёнига таклиф қилди.

Ҳаммалари ўтиришгач, она фотиҳага қўл очиб, ёшларга умр, бахт-саодат тилади ва қумғон қайнатиш учун қўзғолди.

Тўтихон беҳуш ётган беморга ачиниб тикилиб турганда Мулла Вали кўзларини аста очди ва келганларни таниди шекилли, рангпар юзи кулимсираб, ожиз бир товуш билан деди:

—Ўғлим, танбур чертиб, хониш қил, соғиндим...

—Хўп, отажон!

Бобораҳим капа қозиғига илиб қўйилган танбурни олиб, Тўтихонга зимдан қараб қўйди ва кўнглидаги завқи бармоқларига югуриб, созни ўзи севган шўх оҳангга чертиб, куйлади:

Сетор деманг, ҳоли дилим сўрғучи
танбур,
Кўнглум гиреҳин, ғамларини ёзғучи
танбур.
Бир неча рақиблар сўзидан ғамзада
бўлсам,
Ҳамдард бўлуб оғушима киргучи танбур.
Кўтоҳназар халқ муни қадрини билмас,
Даргоҳи азалдин хабаре бергучи танбур.
Гар ёр жамолини кўруб пардаға солсам,
Нағмаси они сийнахарош этувчи танбур.
Ҳам ёр жамолидек они нашъаси бордур,
Ҳайрат ўтидан маҳви санам қилғучи танбур.
Ошиқ юрагидин чиқиб ўттек келибон ул,
Бир учқуниға жумлани куйдургучи танбур...

—Агар мен дарёда ғарқ бўлсам, созингизни ҳам сўзингизни ҳам тинглаш насиб этмас эрди, дўстим!— Пирмат ёш ғилтиллаган кўзлари билан Бобораҳимга миннатдор тикилди. Кейин, Зубайданисога қаради:—Бизга жавоб беринг, холажон, иншоолло, тонг-саҳар қозон бошида учрашурмиз.

Қумғонга чой дамлаётган Зубайданисо ўринларидан турган ака-сингилдан:

—Чойни ташлаб кетасизларми-я? —деб гина қилган бўлди. —Бошимиз кўкка етди, айланайлар! Ана шундай келиб, йўқлаб туринглар!

Пирмат билан Тўтихон кападан чиққач, уларни кузатиб бораётган Бобораҳимни онаси ташвишли товуш билан чақирди:

— Ўғлим, қайт, даданг...

Бобораҳим меҳмонлар билан тонгда, ҳалим чоғида кўришишга ваъдалашиб, шоша-пиша хайрлашдида, орқасига қайтди.

У капага кирганда отасининг аҳволи оғирлашганига бир қарашдаёқ ишонди. Зубайданисо Мулла Валининг бошини тиззасига қўйиб ўтирар, иягини дока билан тангир, бедорликдан толиққан кўзларидан дув-дув ёш оқар эди.

Онасининг имоси билан Бобораҳим пиёлада сув тутди. Зубайданисо дока рўмолининг учини ҳўллаб, эрининг оғзига томизди. Мулла Вали ожизгина тамшанди-да, кўзларини абадий юмди... Зубайданисо эрини ўринга аста ётқизди. Бобораҳим совғага келган янги тўнни отасининг жасадига ёпди...

Тонг-саҳарда наврўз сайлгоҳида ҳалим қозон атрофидаги кенг ўтлоқ одамларга тўлди. Байрам шарафига чалинган карнай ғат-ғути, ноғоралар така-туми кенг қирғоқни янгратди. Шодиёна энди бошланган, ясан-тусан ёшлар тўда-тўда гурунглашиб турган бир пайтда Мулла Вали капаси томондан аёл йиғиси эшитилди. Кўпни кўрган кексалар воқеани дарҳол тушунишиб, карнаю ноғораларни тўхтатдилар. Мўмин фаранг:

—Мулла Валига наврўз насиб этмади,—деб бош чайқади.

Кексалар бўзчининг сайлгоҳ чеккасидаги капаси томон оқиб бора бошладилар.

Шу пайт ўша томондан Бобораҳимнинг кўнгилларни ларзага келтирувчи мунгли фарёди янгради:

Не ғурбатларни чектим, чархи бебунёд
дастингдин,
Тамоми хонумоним ўлди чун барбод
дастингдин,
Мудом мотамда бўлдум, бўлмадим
дилшод дастингдин.
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод
дастингдин,
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман,
дод дастингдин!
Кўзумни оқи янглиғ меҳрибонимдин
аюрдилар,
Дилимни қуввати руҳи равонимдин
аюрдилар.
Анисим, мунисим, дилбанди жонимдин
аюрдилар,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод
дастингдин,
Ки мен ҳар қайға борсам дод этарман, дод
дастингдин!
Чаманда булбули бехонумонман, ошёним
йўқ,
Мисоли чуғдек вайронада ҳаргиз
маконим йўқ,
Азизимдин жудо бўлдум, бошимға
соябоним йўқ,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод
дастингдин,
Ки мен ҳар қайға борсам, дод этарман,
дод дастингдин!

Наврўз мотамга айланди.

[Охири. Боши газетанинг ўтган сонларида].

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

У. ЮСУФЖОНОВ: Шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дори-дармонлар билан савдо қиладиган махсус дорихона борми?

Жавоб: Ҳа, шундай Мазкур гиёҳлар «Доривор гиёҳлар» магазини «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» проспектига жойлашган. Бундан ташқари, Ҳадрадаги «Марказий дорихона»да ва деярли барча аптекаларда «Доривор гиёҳлар» бўлимлари ишлаб турибди. Бемор киши қандай даво топмоқчи бўлса, албатта, шифокор билан маслаҳатлашиши, лекин ўзича билиб-билмай доривор гиёҳдан фойдаланмаслиги керак.

∴ ∴ ∴

Ш. ЮСУПОВ: Шаҳримизда телеоператор ёки кинооператор тайёрлайдиган курслар борми?

Жавоб: Киров кўчасидаги «Билимлар уйи»да киносаёҳатчилар клуби ишлаб турибди. Бу ерда телеоператорлик касби ўргатилади. Шунингдек, «Ўзбекфильм» киностудияси қошида ҳам махсус курслар бор.

∴ ∴ ∴

А. МАХАТОВ: Тошкент шаҳрида қандай кутубхоналар бор?

Жавоб: Шаҳримизда турли соҳалар бўйича кутубхоналар мавжуд. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонаси, «Октябрь» номли область кутубхонаси, барча районлар қошидаги кутубхоналар, болалар кутубхоналари, илмий-медицина, Кўрлар жамияти, Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги кутубхонаси, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари кутубхоналари намунали ишлаб турибди. Ўзбекистон ССР Давлат план комитети қошида илмий-техника кутубхонаси, республика Фанлар академияси, республика қишлоқ хўжалиги министрлигининг Марказий илмий-қишлоқ хўжалик кутубхоналари бор.

∴ ∴ ∴

Н. МАҲКАМОВА: Кўз касалликларини даволайдиган махсус касалхона ҳақида маълумот берсангиз?

Жавоб: Офтальмология — кўз касалликлари, уларни даволаш ва олдини олиш борасида шаҳримиздаги кўпгина поликлиникаларда, касалхоналарда махсус кабинетлар иш олиб бормоқда. Тошкент Медицина институти қошида кўз касалликларини даволайдиган бўлим бор. Студентлар шаҳарчасидаги Сайдов кўчасида Республика офтальмология касалхонаси жойлашган. Бу ерда профессорлар, доцентлар, фан кандидатлари ва моҳир шифокорлар беморларга намунали хизмат кўрсатишмоқда. Офтальмология касалхонасига 49, 59, 65-автобусларда ва 19-маршрутли таксида бориш мумкин.

∴ ∴ ∴

Б. ШОКИРОВ: Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда пахта қачондан экила бошланган?

Жавоб: Ўрта Осиёда пахта тахминан 2 минг йилдан бери экилади, деб ҳисобланади. Наманган области билан Қирғизистон чегарасида 1951 йилда топилган қадимги қабр ва ундаги уй жиҳозлари, пахта толасидан қилинган арқон бўлганлиги шундай хулоса чиқаришга асос берди. Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Фарғонада ип-газлама ишлаб чиқариш V—X асрларда бошланган. Американинг Мексика, Перу, Бразилия каби ерларида етиштирилган пахта билан европаликлар Колумб Америкага боргандан сўнг — 1492 йили танишганлар.

Аёллар, Сизлар учун

ҲОМИЛАДОР ТИШ ОЛДИРГАНДА...

Ҳурматли редакция! Ҳомиладорлик вақтида тиш олдириш зиён қилмайдими?

Д. АКБАРОВА, боғча тарбиячиси.

Тиш оғриғига кўпинча кариес касаллиги сабаб бўлади, у вақтида даволашни талаб қилади.

Оғриқ тиш инфекциянинг сурункали ўчоғи ҳисобланади. Одам совқотганда, асабийлашганда (бу ҳодисалар организмнинг умумий қаршилигини сусайтиради) микроблар, инфекциялар қонга тушиши ва турли орган ҳамда тўқималарга ўтиши мумкин.

Кўпчилик аёллар тишни даволатиш, уни олдириш ҳомиладорликнинг кечишига ёмон таъсир қилади, бола вақт-соатидан олдин туғилади, деб ўйлайдилар. Шу сабабли тишлари оғриса ҳам врачга боришни пайсалга соладилар. Ана шу ҳолнинг ўзи ҳомиладорликнинг кечишини оғирлаштиради, баъзан чилла даврида ёмон таъсир қилади.

Илгари шифокорлар ҳомиладорлик даврида, айниқса унинг сўнгги ойларида тиш олдиришни унчалик тавсия қилмас эдилар. Чунки бундай қилганда ҳомиладор аёл оғриқдан азоб ер ва асаблари зўриқар эди.

Ҳозирги вақтда стоматолог-врачлар барча зарур техникага ва оғриқсизлантирадиган безарар воситаларга эга. Шунинг учун тиш олдириш хавфли эмас, оғритмайди. Ҳомиладорликнинг барча даврларида тиш олдириш мумкин. Бўлажак она тиш олдиришдан олдин акушер билан маслаҳатлашиши керак.

М. ОРИФЖОНОВА
тайёрлаган.

КЎЧМА ДОРИХОНАЛАР

Пахта йиғим-терим кунларида Ўзбекистон. йўлларида юздан ортиқ кўчма дорихоналар қатнай бошлади. Фармацевтлар дори-дармон учун буюртмалар қабул қилиб, бу дориларни пахтакорларга етказиб бермоқдалар. Мавсум бошидан буён колхоз ва совхозларнинг бригада дала шийпонларига махсус танланган тайёр дориворлари, дастлабки медицина ёрдамини кўрсатиш учун мўлжалланган боғлаш воситалари бўлган салкам 150 мингта аптечка жўнатилди. Мавсумий болалар яслилари оналар ва болалар учун тайёрланган аптечкалар билан таъминланди.

(ЎзТАГ).

Ленин районидаги 1-поликлиника шифокорлар коллективи меҳнаткашларга намунали медицина хизмати кўрсатмоқда. Поликлиника замонавий медицина техникаси билан таъминланган.

СУРАТДА: шу поликлиниканинг тажрибали медицина ҳамшираларидан Б. С. Типогравшик беморни кўздан кечиряпти.

М. Нуриддинов фотоси.

Экспертиза аниқлади

Сир из қолдиради

Тошкентдаги Х. С. Сулаймонова номли суд экспертиза илмий-тадқиқот институтининг иши ҳақида газетамизнинг шу йил июнь ойи 162—166 сонларида мақолалар босилган эди. Қуйида шу институт иши ҳақидаги янги мақолалар берилади.

Экспертиза практикасида ҳужжатлар, қимматли қоғозлар ва пулларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш билан боғлиқ масалалар билан шуғулланишга тўғри келиб туради. Бу оддий иш эмас. Шу боисдан бундай иш билан катта амалий тажриба ва билимга эга бўлган кишилар шуғулланадилар. Ҳужжатларни криминалистик экспертиза қилиш лабораториясининг катта илмий ходими А. Питиримов ана шундай ходимлардан.

ИНСОН ШАЪНИ УЧУН

«Мана бу ишни кўринг...» Питиримов стол тортмасини очиб, фотосурат олди. Сурат ғижимланиб кетган, сиёҳ томган жойи намланиб қолган эди. Унинг ўнг томонидаги юқори бурчагида кунгурасимон ёрлиқ доғ бўлиб, имзо ўчириб ташланганди.

—Суратни ҳодиса рўй берган жойни текшириш протоколига қўшиб, умумий ишга тикиб қўйдик,—деб тушунтирди у.— Бу ҳужжат қўлимизга шу аҳволда етиб келди.

Сурат уруш даврида олинган эди. Унда ёш, шижоатли лейтенант тасвирланган, кўкрагида иккита нишон ромбаси кўзга ташланарди. Бир қарашда бу одамнинг кимлиги сир эмас. Бошқа ҳужжатлар орасида шу сурат ҳам топилганида уй бекаси уни ўзининг собиқ умр йўлдоши деб таништирди.

Бироқ суратнинг орқасида нима ёзилганлигини билиш жуда муҳим эди. Негаки, мана шу ёзувни кимдир ўчириб, ёғ билан атайлаб «доғлаган» эди.

—Сурат чиндан ҳам ўша пайтда олинган, — деди Аркадий Михайлович.— Менинг уйимдаги альбомда ҳам худди шундай сурат бор. Лейтенантлик формаси ҳам меникига ўхшайди.

Хотиралар занжирли реакциядай гап. Унинг бир учидан тортсанг, ўша машаққатли қиш оқшоми, алангага айланиб ловиллаб ёнаётган танк кўз ўнгингга келади-қўяди. Танк ичида эса бошидан яраланган, оёқ-қўлларини қимирлатишга мадори қолмаган одам ётибди. У ҳушига келганида совуқдан қотиб қолаёзганини пайқади. Қанча ётганини ўзи ҳам билмас, кўп қон кетганидан боши айланар, ҳадеб нафаси қисилар эди. Бироздан кейин қимирлашга мадори қолмади. Питиримов фронт орқасидаги госпиталга келганида эса оёғини кесиб ташлашганидан даҳшатга тушди. Оёқ бўлмагандан кейин одамнинг қисмати нима бўлади.

«Дадил бўл, аскар!» дер эди доктор ҳар сафар уни кўрганида. «Ўзингни қўлга ол, Аркадий» — деб ёзишар эди қуролдош дўстлари. Гарчанд юраги ҳаприқиб, ўлимига минг марта рози бўлган пайтлар ҳам бўлиб турса-да, у ўзини қўлга олишга интилар эди.

Госпиталда ётганида Питиримов кўп нарсаларни ўйлади. Ҳаммасига чидади. Оғриқ азобига ҳам, руҳий тушкунликка ҳам. Бунда унга дўстлари, Островский, Маресьев ҳақидаги китоблар ёрдам берди. Роса бир ярим йилдан кейин у Тошкентга онасига хат ёзиб, бо га тушган кулфатни баён қилди. Кейин Тошкентга келди.

Хўш, энди нима қилиш керак, қандай яшаш керак? Унинг кўз ўнгида фронтда худди шундай оғир паллаларда ўзини отиб ташлашни сўрайдиган, руҳи тушкин одамлар, қолган умрини пивохоналарда ўтказадиган иродасиз кишилар пайдо бўлди. Албатта, мен сизлар учун жанг қилдим, бир кружка пивога арзимабманми, деб яшайдиган кишилар ҳам йўқ эмасди. Бироқ, Питиримов бундай қилолмасди. Бундай қилишни хоҳламасди. У ўқишга аҳд қилди.

У ҳар куни онасининг кўмагида қўлтиқтаёқларга суянганча 78-мактабга йўл оларди. Яхши ўқиди, аттестат олди. Кейин юридик институтга кирди. Студентлик пайтида ҳам аввал онасининг кўмаги билан, кейин эса ўзи ясаб олган аравачада деярли бутун шаҳарни кесиб ўтиб ўқишга қатнади. Ниҳоят қувончли кун етиб келди. Имтиёзли диплом олди.

Курсдошлари бу одамда шунча ирода қаердан пайдо бўлганига ҳайрон қолишарди. Лекин уни яқин билганлар бунга ҳайратланмас эдилар. У бутун умри мобайнида — танкчилар ўқув юртида курсант бўлганида ҳам, актив комсомол сифатида, кейинроқ коммунист сифатида иш олиб борганида ҳам, фронтда жасур танк командири бўлганида ҳам иродали йигит эди. Унинг бу аҳволга тушиши учун урушдан бошқа айбдор йўқ. Лекин муҳими ҳаёт. Демак, у яшаши керак.

«Мана бу ишни кўринг»... Питиримов бояги сурат ва қоғозларга яна бир синовчан назар ташлади.

—Шундай қилиб экспертиза нимани кўрсатди?—деб сўрадим сабрим чидамай.

— Экспертизами? Назаримда бир одамнинг номус-орини сақлаб қолишга ёрдам бердик. Унинг ҳалол исмини қайтариб бердик, — деди Питиримов.— Сурат топилган уйдаги одамлар эмас, ҳақиқий эгасига қайтардик. Албатта, бу ёғини терговчилар ажрим қилиб беришади.

Криминалистик экспертиза лабораториясининг катта илмий ходими Аркадий Михайлович Питиримов қарийб ўттиз йиллик фаолияти мобайнида одамларга кўп яхшилик қилди. Бировга етказилган озор — хоҳ жисмоний, хоҳ маънавий бўлсин қанчалик чуқур из қолдиришини Аркадий Михайлович бошқалардан кўра яхшироқ билади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам у билан суҳбатлашиш одамга қувонч бағишлар. Эҳтимол, шунинг учун ҳам у камтар, хушчақчақ одамдир. Суҳбатимиз якунида Аркадий Михайлович тўсатдан сўраб қолди.

— Одам хотиржам, ўзидан мамнун бўлиб яшаши учун нима қилиши керак?—У бир зум жимиб қолди-да, саволига ўзи жавоб берди. — Бунинг учун одам оромни ўйламаслиги, ўзидан хотиржам бўлиш касалидан қочиши керак... Бу ўзимнинг фикрим эмас— деб тушунтирди у. —Бу гапни ким айтганини билмайман. Бироқ ёшлигимда эшитган мана шу гап қулоғимга ўқдек кириб қолган.

Юридик фанлари кандидати, коммунист, республикада хизмат кўрсатган юрист Александр Питиримов ана шундай ором истамайдиган одам. У ўзининг ҳар қанча банд бўлишига, унчалик соғлом эмаслигига қарамай, жамоат ишларига ҳам вақт топади. Чилонзор район партия комитетида уни энг актив пропагандист сифатида билишади.

...Дарвоқе, аввал бошлаган гапимизга қайтайлик. Ўша фотосурат юзасидан криминалистлар яна нима дейиши мумкин? Улар ҳали суратнинг орқасига ёзилган сўзларни ким битганини аниқлашлари керак. Уни суратнинг чин эгаси ёздими ёки бу иш қалбакими? Бундан ташқари ёзувдан уни битган одамнинг ёшини аниқлаш зарур... Булар осон гап эмас. Лекин экспертизада осон ишнинг ўзи кам бўлади.

Шаҳримиз тобора обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Бу ерда кўплаб турар жой бинолари, маданий-маиший объектлар қад кўтармоқда.

СУРАТДА: Тошкентдаги пионер ва ўқувчиларнинг Марказий саройи акс эттирилган.

М. Нуриддинов фотоси.

«Ўрта Осиё—80»

Республика комсомоли Марказий Комитетининг ёшлар уйида биринчи марта «Ўрта Осиё—80» филателия кўргазмаси намойиш этилмоқда.

Бу кўргазманинг асосий моҳияти Ўрта Осиё республикаларида халқ хўжалиги ва маданият борасида эришилган ютуқларни, КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишда ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажаришда Коммунистик партиянинг ролини филателия воситалари билан акс эттиришдир.

Кўргазмада Ўрта Осиё республикаларидан ташқари РСФСР, Украина ва Озарбайжон вакиллари ҳам ўз экспонатлари билан қатнашмоқдалар. Улар турли воқеалар, саналар, юбилейлар, катта-катта объектлар ишга туширилиши муносабати билан нашр этилган маркаларни намойиш этаптилар.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги, Бутуниттифоқ филателистлар жамияти кўргазмада фаол қатнашган иштирокчиларни турли мукофотлар билан тақдирлади.

Станислав Понте ПРЕТА,
Португалия.

ҒАЛАТИ ЎҒРИЛАР

ҲАЖВИЯ

Кейинги пайтларда Рио-де-Жанейро д а г и донгдор магазинларда ўғирлик содир бўлиши биланоқ мухбирлар бу магазинларнинг бошқарувчилар-дан репортаж олишга шошадиган бўлиб қолишди. Шундай магазинлардан бирининг бошқарувчиси ўғриларни кутиш учун ҳатто-шахсий изкувар ёллашгача борди. У ўзининг бу ниятини магазиндаги товарлар рўйхатига кўз югуртираётган фотограф билан бирга келган репортёрга гапириб берди. Полициячига ўхшаб кетадиган бошқарувчи ўғрилар қандай ишлашини жуда яхши билиб олганди. У ўзининг бу қобилияти билан ҳатто фахрланарди ҳам.

— Биласизми, — деди у кеккайиб репортёрга, —менинг тажрибам бу масалада полициядан кўра ҳам кўпроқ хабардор бўлишимга ёрдам беради.

— Қизиқ,—деди репортёр, худди муҳим маълумот эшитаётгандек хушёр тортиб.

Ўзини ғолиб чиққандай ҳис этган бошқарувчи давом этди:

—Гоҳида ўғри томонидан кутилмаган ҳужумлар бўлиб туради. У юклар машинадан туширилаётганида пайдо бўлади. Озгина эътиборсизлик қилиндими, тамом—бирон нарсани ўмаради-ю, жуфтакни ростлайди. Ҳа, бу майда ўғирлик, ҳеч қанақа услуби йўқ, «тоифасиз». Аммо бизнинг магазинимиз нуқул ўз услубига эга «тоифали» ўғриларнинг доимий қурбони бўлиб келяпти.

—Кечирасиз! Ўғриларнинг ҳам услублари бўладими? — ажабланди репортёр.

—Афсуски, шундай, —хитоб қилди бошқарувчи, кафедрада турган профессор қиёфасига кириб. — Бир хиллари харидор никоби билан ниятига етади. Бундай нусха магазинга кириб келади-да бирор товарни қўлга олиб, худди харид қилмоқчидай у ёқ, бу ёғини кўрган бўлади ва шу лаҳзада бирор нимага алаҳсиб қолган сотувчининг олдига боради. «Харидор» бу нарсани яқинда олганини, аммо унга тўғри келмаганлигини, алмаштириш ниятида эканлигини ширинсуханлик билан тушунтиради. Ҳеч нарсадан шубҳаланмаган шўрлик сотувчи молни олади-ю, илтифот билан уни бошқасига алмаштириб беради. Шу ақалари ҳам борки, улар магазинда харидорлар сийрак бўлган пайтни пойлашади. Агар сотувчи битта бўлса, у олдиндан магазиннинг ички хоналарида сақланадиган товарларни билиб олади ва ана шу товарлардан бирини сўрайди. Сотувчи товарни олиб чиқиш учун ички хоналарга кириб кетгани заҳотиёқ бошқа товарни қўйнига уради-ю, ғойиб бўлади.

Репортёр эшитганларини ёзиб олди, бошқарувчи бошқа ҳодисага ўтди:

— Пештахтада турган майда молларни ўмариш учун ўғрилар таглиги сохта бўлган чемодан ёки портфелдан фойдаланишни афзал кўришади.

—Таглиги сохта?—ҳайратланган бўлди репортёр ва фотографдан бошқарувчини суратга олишни сўради. Бошқарувчи ўзини Наполеондек ҳис этиб, тушунтира кетди:

—Таглиги сохта чемодан ёки портфеллар оддий нарса. Уларнинг таглиги бўлмайди. Ўғри магазинга кириб, чемодан ё портфелини ўмармоқчи бўлган товарнинг устига қўяди. У портфелини кўтарганда сохта таглик жойида бўлади, ўғирланган товар эса портфелнинг ичида, карабсизки, ўғри ҳеч нарса бўлмагандай магазиндан чиқиб кетади. Дарвоқе, ўғрилар кенг пальто ёки плашчдан ҳам фойдаланишади. Бундай субъект магазинга кириб келгач, витриналарни томоша қила бошлайди. Қулай пайт келди дегунча, у бирор товарни қўйнига уради. Ўғри буни шундай чаққонлик билан қиладики, сотувчи пайқамай қолади.

—Оҳо!—Ҳайратланди репортёр. — Демак, ўғриликнинг ҳам турли-туман услублари бўларканда!

— Ҳа, булар ҳали фақат якка ўғриларнинг ишлатадиган услублари. Иккита ёки группа бўлиб ўғирлик қиладиганларнинг ҳам ўз услублари бўлади. Иккита ўғри магазинга кирди, дейлик. Биринчиси худди сотиб олмоқчидай бир талай нарсаларни олади ва уларни сездирмай шеригига узатади, иккинчиси эса шу заҳотиёқ лип этиб ғойиб бўлади. Агар хизматчилар сезиб қолишса, биринчиси: «Марҳамат, текшириб кўринг», деб туриб олади. Исботлаб кўрчи?

—Буниси жуда ғаройиб экан, — хитоб қилди репортёр, бир нималарни ёза туриб,

Кейин сўради:

— Бу ердан қўнғироқ қилсам бўладими?

— Марҳамат! — Бошқарувчи мулозимат билан телефон турган жойни кўрсатди.

— Раймундо, бу ёққа кел. — Витриналар орасида фотоаппарат асбоблари солинган чемоданларни кўтарганча тимирскиланиб юрган фотограф унга эргашди.

Бир неча минут ўтди ҳамки, на репортёрдан ва на фотографдан дарак бўлмади. Бошқарувчи уларнинг изидан борди, аммо телефон олдидан фақат қуйидаги сўзлар ёзилган қоғознигина топди, холос: «Дўстим, ўғирликнинг шундай усули ҳам бўлади: ўғри репортёр, иккинчиси эса қўлидаги чемоданли нарсаларга тўлдириб оладиган фотограф қиёфасида келишади. Буни ҳам коллекциянгизга қўшиб қўйинг!».

Русчадан
А. САТТОРОВ
таржимаси.

АМАЛИЙ КЎНИКМА

БУГУН

Тошкент алоқа политехникумининг 3-курс студентларидан ташкил топган 28 кишидан иборат икки группа ишлаб чиқариш практикасига чиқди. Бўлажак алоқа ходимларининг биринчи группаси шаҳримизнинг Қорақамиш 1/2 массивидаги 3, 4 кварталларда ҳаво ва ер ости алоқа кабелларини ўтказмоқдалар. Иккинчи группа студентлари эса Височовольтний массивида телефон симлари ўтказиш билан шуғулланмоқдалар.

—Студентларимиз, — дейди ишлаб чиқариш практикаси раҳбари Хавкин, — практика давомида ўз олган билимларини мумкин қадар амалий томондан такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Студентлардан Х. Азимов, Ж. Жўраев, Н. Бобоев, Ш. Комилова, Т. Йўлдошев, П. Раҳматуллаев кабиларнинг олиб бораётган ишлари уларнинг ўз касбларини пухта эгаллаганликларини намойиш қилмоқда.

▲ ҲАР ТУҒРИДА

ЎГИТЛИ ДИКТАНТЛАР

Иркутск шаҳридаги мактаб ўқувчилари рус тили дарсида ғалати диктант ёзишади. Бу диктант текстини мактаб ўқувчилари билиб қўйса фойдадан холи бўлмайдиган мавзуга— техника хавфсизлиги қоидаларига бағишланади.

Шундай қилиб, болалар электр асбоб-ускуналаридан қандай фойдаланиш лозимлигини, токка уланган электр асбобларни унар-унмасга очмасликни, усти очиқ электр сими ҳаёт учун хавфли эканини билиб олишмоқда. Бу янгилик билан Иркутск ўқитувчилар малакасини оширищ институти қизиқиб қолди.

КЎЗОЙНАКЛИ БАЛИҚЛАР

Кўзойнакли илонларни ҳамма кўрган, аммо кўзойнакли балиқлар ҳам борлигини ҳали кўпчилик билмайди.

Англиядаги Стерлинг университети биологлари Осиёнинг Жанубий Шарқидан ўтувчи денгизлардан кўзойнакли балиқ тутишди. Бу балиқлар ҳамиша кўзойнакли бўлмай, фақат сув юзасига чиққанида қуёш нуридан ҳимоя қилиш учун кўзга ойна тутилгандек дарҳол пигмент парда қопланиб қолади.

ҒОВВОСНИНГ ОМАДИ

Атлантика океани қирғоғига жойлашган Американинг Луизиана штатидаги сув остига шўнғувчи спортчи-ғоввос XVIII асрда чиққан кемага дуч келди. Мард спортчи сув остидаги кемага кириб, ундан 18 килограмм олтин, 13 ярим килограмм кумуш ва бошқа талай буюмлар олиб чиқди.

Жами бойликларни штат ҳокимияти билан омадли ғоввос тенг бўлиб олишди.

ХОҲЛАСАНГИЗ ҚАМОҚҚА ТУШИНГ

Швециянинг Гётеберг шаҳридаги эски Варберг қамоқхонасининг 23 хонаси ҳозир ижарага қўйилади. Ертўлага жойлашган бу бир кишилик қамоқхонанинг ҳар бири 6 квадрат метр сатҳга эга.

Ихтиёрий равишда қамоқхонага тушиб яшашни хоҳловчиларга темир эшик калити ҳам берилмоқда.

ТОҚҚА МЕТРОДА

Швейцариядаги Саас-Фее курорти баланд тоғ тепасига жойлашган. Бу ерга келувчиларни, туристларни, чанғичи ва чана учувчиларни тоққа олиб чиқадиган метро қуриш мўлжалланмоқда. Тўрт йилда қуриб битказиш мўлжалланган бу метрога 24 миллион франк сарфланади.

С. ҒАФУРОВ тўплаган.

ҲОДИСА

ИЧКИЛИК—КАСОФАТ

10-қурилиш бошқармасининг дурадгори Борис Голиков танишини учратиб қолди. Икковлашиб уч шиша вино ичишди. Шундан кейин Голиков йўл ҳаракати қоидаларини кетма-кет уч бор бузди. Велосипед ҳам транспорт воситаси, уни маст ҳолда бошқариш тақиқланганлигини унутиб, «Урал» велосипедига ўтириб уйи томон йўл олди. Зиёмов ва Тансиқбоев кўчалари чорраҳасида қоидани икки бор бузди. Биттадан ортиқча ҳаракат йўли бўлган кўчанинг бошқариб турилмайдиган чорраҳасида у чап томонга бурила бошлади. Бўшатилган уч шиша вино ва уч бор қоида бузиш муқаррар натижага олиб келди — Б. Голиков М. Шокаримов бошқариб келаётган енгил автомобилга бориб урилди.

Б. Голиковни бош мияси қалқиган ва танаси лат еган ҳолда ТошМИ шифохонасига келтиришди. У шу ерда бир неча кун даволанди.

Л. ОФФЕНГЕНДЕН.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

КИЕВ ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

механика, авиация радио электрон асбоб-ускуналари, авиация асбоб-ускуналари, автоматлар ва ҳисоблаш техникаси, аэропортлар, енгилги мойлаш материаллари, инженерлик-экономика факультетларининг

ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМЛАРИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига бир йилдан кам бўлмаган узлуксиз иш стажи бўлган илғор ишчилар ва колхозчилар, СССР Куролли Кучларидан запасга бўшатилган кишилар қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: тайёрлов бўлимига йўлланма (2-форма), институт ректори номига ариза, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), характеристика, 8 та фотосурат (3х4 см.), медицина справкаси (286-форма), меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

Ҳужжатлар 25 октябргача қабул қилинади.

Адрес: 700015, Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 41-уй. Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг кадрлар бўлими.

Ўқишга кирувчилар билан математика ва физикадан суҳбат ўтказилади.

Ўқишга қабул 10 ноябрдан 15 ноябргача.

Тайёрлов бўлими тингловчилари ойига 40 сўм стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Машғулотлар 1 декабрдан бошланади.

Битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганлар Киев граждан авиацияси инженерлари институти кундузги бўлимининг 1 курсига қабул қилинадилар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси бинсида трамвай-троллейбус абонементларини сотиш бўйича

МАРКАЗИЙ КАССА ИШЛАЙДИ

10 сўмгача миқдорда нақд пулга абонемент сотилади (квитанция ҳам берилади). **Абонементлар ва карточкалар тўлов поручениесининг нусхаси** (банкнинг штампи босилган), **олувчининг** номига ёзилган ишонч қоғози ва паспорт бўлгандагина сотилади.

Ташкилотлар пул ўтказиш йўли билан 7 кун ичида абонемент ва карточкаларни олишлари зарур.

Кассалар соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди. Танаффус соат 13.00 дан 14.00 гача. Дам олиш куни—шанба ва якшанба.

Ҳисоб-китоб счёти Тошкент шаҳар давлат банкининг Ленин район бўлимида.

Адрес: Тошкент шаҳри, Полторацкий кўчаси, 12-уй. Телефон 33-52-02.

«УЗХЛАДОТОРГМОНТАЖ» трестига қарашли

ТОШКЕНТ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН РЕМОНТ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

Совутиш ва савдо технологияси ускуналарига хизмат кўрсатиш бўйича механиклар тайёрлайдиган

4 ЯРИМ ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳри ва Тошкент области шаҳарларида доимий пропискада турувчи, ёши 22 дан кам бўлмаган, камида 3-разрядли электриклар ёки ички ёниш электродвигателлари ремонти бўйича слесарь ихтисоси бўлган шахслар қабул қилинади.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланадилар.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700032, Тошкент шаҳри — 32, Куйбишев район, Грампластинкалар кўчаси: 40-уй (1 «э», 17 «э»-автобуслар, 17, 18-троллейбусларнинг «Марказий статистика бошқармаси» (ЦСУ) бекати). Телефонлар: 66-21-31, 66-03-65.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги

ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ

МАХСУС ГРУППАЛАРГА

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Декоратив безакчилар—ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи озиқ-овқат ва саноат товарлари магазинлари учун.

Ўқиш муддати 2 йил.

КИРУВЧИЛАР: рус тили (диктант) ва расм ишлаш бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар.

СЛЕСАРЛАР—савдо автоматларини ремонт қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича.

Ўқиш муддати 1 йил.

Бу группага кирувчилар билан суҳбат ўтказилади.

Бу иккала группаларга тўлиқ ўрта маълумотли, 25 ёшгача бўлган ва Ўзбекистон шаҳарларида яшовчилар қабул қилинадилар.

Бу иккала группалардаги ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Иккала группа ўқувчиларига стипендия тўланади.

ЎҚИШ 1 НОЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика, область халқ депутатлари Советлари ижроия комитетининг савдо бошқармасидан ёки шаҳар халқ депутатлари советлари ижроия комитетининг савдо бўлимидан йўлланма.

Билим юртининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, Бобир кўчаси, 3-уй (4, 9, 19-трамвайларнинг «Чўпон ота», 13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами клиник касалхонаси» бекатлари). Телефон: 78-44-30.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ ТАШКИЛИЙ РАВИШДА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

СССР ЎРМОН САНОАТИ МИНИСТРЛИГИГА

Томск, Иркутск, Свердловск областлари ва Хабаровск ўлкасида ишлаш учун

ёлғиз эркакларни

СССР ТРАНСПОРТ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИГА

Приморск, Хабаровск ўлкалари, Чита, Новокузнецк, Иркутск шаҳарларида ишлаш учун

ёлғиз аёллар ва эркакларни

СССР ОҒИР САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИГА

Свердловск, Оскол станцияси, Красноярск, Волгоград, Тула шаҳарларида ишлаш учун

ёлғиз аёллар ва эркакларни

Группалар комплектлангандан сўнг жўнатилади.

БИЗНИНГ АДРЕСЛАРИМИЗ:
МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАХИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — Совет Армияси майдони, район ижроия комитети.

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

16, 17 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР, РАҚҚОСАЛАР ВА ҲАЖВЧИЛАР ДАВРАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Солистлар: Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Исмоилжон ТУРДИАЛИЕВ, Изомжон САДРИЕВ, Аъзам ҒОЗИЕВ, Насиба ЭГАМБЕРДИЕВА, Нодира АҲМЕДОВА, Мастура ФАЗЛИДДИНОВА, Ўлмасхон НУРМАТОВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Гулчеҳра ЮСУПОВА, Саттор ИСЛОМОВ (оригинал жанри), Абдуфаттоҳ САИДОВ, (сатира, юмор ва интермедиялар).

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани—Мамасоли ХОЛМАТОВ ва Мирзаҳошим КЕНЖАЕВ олиб борадилар.

Билетлар сотилмоқда.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/X да **Истеҳком**, 16/X да **Абу Али ибн Сино.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/X да **Паранжи сирлари**, 16/ да **Шаҳзода ва етим қиз.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Москва цирки артистларининг гастроллари** (19.30).

КИНО

15 ОКТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ХАЛҚ МУЛКИ» —**Қозоғистон.**

«ОРОЛЛАРДАГИ ЖАСОРАТ» — **Фестиваль.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОРҚАДАН УЗИЛГАН ЎҚ» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75). **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«РЕВАНШ»—**Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92).

«ГУГУРТ ИЗЛАБ»—**Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Чайка** (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

16 ОКТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ХАЛҚ МУЛКИ» — **Қозоғистон.**

«ОМАД ТУМОРИ» — **Дружба.**

«ОРОЛЛАРДАГИ ЖАСОРАТ» — **Фестиваль.**

«БИЗНИ АВФ ЭТИНГ» — **Восток.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОРҚАДАН УЗИЛГАН ЎҚ» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон: 66-15-75), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон: 78-47-25), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон: 91-10-51).

«РЕВАНШ» — **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-66-07), **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда).

«ГУГУРТ ИЗЛАБ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Чайка** (тоқ соатларда, телефон: 77-06-20), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

ПУЛЛИК ТАЙЕРЛОВ КУРСЛАРИГА ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 8 ой.

Машғулотлар ҳафтада уч марта, кечқурун ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўрта маълумотли шахслар ва 10 синфларнинг ўқувчилари қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Оборонная кўчаси, 1-уй, 379-хона.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ ВА УЗСОФПРОФ «ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ» МУЗЕЙИДА

(Ленин проспекти)

15 октябрдан 30 октябргача

ҲАВАСКОР РАССОМЛАРНИНГ КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига бағишланган

АМАЛИЙ ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТИ

РЕСПУБЛИКА КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Кўргазма соат 10.00 дан кеч соат 18.00 гача очиқ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

15 ОКТЯБРЬ—ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.15 «Горнчилар қаердасиз!». 18.45 «Қишлоқ ишлар ва муаммолар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Москва кузи» совет музикасининг II фестивали. 20.30 «Ҳужжатли экран». Кўрсатувни шоир Р. Рождественский олиб боради. 21.30 «Время». 22.15 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. СССР — Исландия терма командалари. В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45)—«Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Қишлоқ янгиликлари». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Халқаро панорама». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Гидролиз». Химиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари» такрорий). 12.30 «Гидролиз». Химиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 «Езувчилар — пахтакорларга». В. Саъдулла. 13.20 «Қулфсиз эшик». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Жасур Робен Гуд». Қўғирчоқ фильм. 18.40 Болалар учун «Қувноқлар даврасида» 19.10 КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ. «Ангрен» энергетиклари (рус.). 19.30 «Ахборот» 19.45 СССР Давлат мукофотига номзодлар. Ҳамид Ғулом. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг уйғур ансамбли ижро этади. 21.30 Москва. «Время» 22.15 «Хирмонингизга барака». 22.30 «Қўшиқ билан учрашув» (рус.). 23.30 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Эстетика асослари. «Меҳнат ва турмуш эстетикаси». 21.05 Телефильм. 21.15 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. «Совет жамиятининг сиёсий системаси ва иқтисодий негизи» (рус.). 21.45 «Оғир соатда». Бадиий фильм.

16 ОКТЯБРЬ—ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.50 Эрталабки гимнастика. 10.15 «Горнчилар, қаердасиз!». 10.45 «Кўр музикачи». Бадиий фильм. 12.00 Молдавия ССР Давлат телевидение ва радиосининг хори ижро этади. 12.30 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари программаси. 16.10 «Шахмат мактаби». Разрядлилар класси. 16.40 М. Глинка. Катта секстет. 17.05 «Бауманликлар». Телевизион ҳужжатли фильм. 17.55 «Усмирлар ижоди». 18.25 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик экономикани бошқариш». Кўрсатувни СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси П. Г. Бунич олиб боради. 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». 20.00 «Биринчи курьер». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.15 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Крылья Советов». В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.35)—«Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Дунёни материалистик тушуниш» Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Фонарча» (такрорий) (рус.). 12.30 «Дунёни материалистик тушуниш». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Икки заранг дарахти». Болалар учун фильм. 19.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Музикали учрашувлар» (рус.). 20.30 «Ахборот». 20.50 А. Навоий номли Давлат академик Катта театри солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Хирмонингизга барака». 22.30 «Контрабанда». Бадиий фильм. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Фан» программаси. Иккинчи Бутуниттифоқ симпозиуми. «Биологик мембраналарнинг липидлари» (рус.). 20.50 «Ер ва эл». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 22.00 «Ҳаяжон». Телевизион бадиий фильм (рус.).

«Таштекстильшвейторг» коллективи 43-магазин директори А. Н. Юсуповга онаси

Ойпошшахон ЮСУПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»,
— орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, маориф ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-23-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-58-85; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

15 ОКТЯБРЬ, 1980 й. Р—16638 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2206. 5